

# ЎЗБЕКИСТОН – БМТ: ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Бошлангичи 1-бетда).

Мамлакатимизда БМТнинг бир қатор тузилмалари – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Жаҳон банки, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт дастури, Гиёҳванд моддалар ва виноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури каби ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир. Улар билан ҳамкорликда 440 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Айна пайтда етмишдан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётир.

– Ўзбекистонда Сизни кўп йиллардан буён халқаро хавфсизликни таъминлаш, ядросиз дунё ғоясини илгари суриш, барқарор тараққиётнинг инсоният учун долзарб вазифаларини, шунингдек, экологик, ижтимоий ва гуманитар хусусиятга эга кўплаб муҳим глобал муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали фаолият юритаётган, жаҳон ҳамжамиятида юксак обрў ва эътирофга сазовор бўлган таниқли сиёсий арбоб сифатида яхши билади, – деди Ислом Каримов.

Сўнги 15 йилда барча давлатлар учун ўзига хос комплекс йўналиш бўлган Мингйиллик ривожланишнинг юксак мақсадларига эришиш, шунингдек, келажакнинг янги кун тартиби – Барқарор ривожланиш мақсадлари БМТ фаолиятида муҳим ўрин тутди.

– Сизнинг Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон Республикасига БМТ раҳбари сифатида бу галги ташрифингиз минтақада юзага келаяётган вазият билан бевосита танишиш ва барчамизни ташвишга солаётган долзарб муаммолар юзасидан батафсил фикр алмашиш учун ажойиб имкониятдир, – деди Президентимиз. – Аввало, радикаллашув, зиддият ва зўравонликнинг авж олаётгани, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршилиқнинг кучайиб бораётгани, жаҳон молиявий инқирозининг ҳамон давом этаётгани жиддий ташвиш туғдирмоқда. Дунёдаги аҳвол тобора чигаллашиб бораётган шароитда биз БМТни глобал хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш бўйича ягона универсал халқаро ташкилот, кўплаб мураккаб давлатлараро ва халқаро муаммоларни ҳал этадиган ноёб тузилма, деб биламиз.

– Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим тизимини такомиллаштиришда улкан ютуқларни қўлга киритди, – деди Пан Ги Мун. – Ушбу муваффақиятлар барқарор ва инсон манфаатларига йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасидир.

Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустақамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Музокаралар чоғида томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга кенг қўламли масалаларни муҳокама этиб, Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослаштирилган институт ҳамда агентликлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилади.

Ўзбекистон халқи Пан Ги Муннинг 2010 йилдаги ташрифи чоғида Оролбўйи худудига боргани ва бугунги куннинг кенг қўламли глобал экологик фожиаларидан бирига жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор қаратганини яхши эслайди.

Маълумки, Оролбўйини тобора кенгайиб бораётган чўл қамраб олмоқда. Сўнги 50 йилда Орол денгизи майдони 4 баробардан кўпроққа қисқарди, сув

ҳажми 10 марта камайдди ва минераллашуви ҳам шунча кўпайди. Бу нафақат куриб бораётган денгиз атрофидаги, балки ундан узоқдаги худудларда ҳам ҳаёт сифати, аҳоли саломатлиги ва генофондига салбий таъсир кўрсатаётир. Оролбўйи аҳолисининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларини БМТ билан биргалликдаги саъй-ҳаракатлар ва яқин ҳамкорликсиз ҳал этиб бўлмайди.

2014 йилда Урганчда «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилаётган Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»ни шахсан кўллаб-қувватлагани учун Пан Ги Мунга миннатдорлик билдирди.

Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустақамлаш масалалари, Афғонистон муаммолари ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Пан Ги Мун Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида кўп томонлама муҳокамаларда фаол иштирок этаётганини, минтақавий ҳамда глобал масалаларни ҳал этишга ҳисса қўшаётганини алоҳида қайд этди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Афғонистонда барқарорликни таъминлаш ва ривожланишига қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолади.

БМТ Бош котиби Афғонистонга кўшни ва дўст мамлакат сифатида Ўзбекистон ушбу мақсадларга эришиш учун кенг қўламли ёрдам кўрсатаётганини алоҳида эътироф этди. Мамлакатимиз халқаро молия институтлари, чунотчи, Осиё тараққиёт банки кўмағида транспорт коммуникацияларини қуриш лойиҳаларини амалга оширмоқда, Афғонистон аҳолисини электр энергия билан таъминлаб, инсонпарварлик ёрдами кўрсатмоқда.

Томонлар Афғонистон муаммосини ҳал этишининг ягона йўли – сиёсий музокаралар олиб бориш, ички келишувларга эришиш, бунинг учун қулай халқаро муҳит яратиш, молиявий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни давом эттириш, бу борада БМТнинг фаол иштирок этишидан иборат эканини таъкидлади.

Ислом Каримов Ўзбекистон БМТ ва унинг институтлари билан изчил ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Ушбу ташкилот билан самарали ҳамкорликни, жумладан, шу йилнинг охиригача Мингйиллик ривожланиш мақсадларига йўналишида қабул қилиниши режалаштириляётган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини таъкидлади.

Пан Ги Мун БМТнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги янада самарали бўлишига ишонч билдирди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2016-2020 йилларда ривожланишга кўмаклашиш бўйича ҳадли дастурининг имзоланиши ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун шу куни Бухорога ташриф буюрди ва шаҳарнинг тарихий обидалари, замонавий иншоотлари билан танишди.

**Анвар САМАДОВ,**  
ЎЗА мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

(Давоми. Бошлангичи 1-бетда).

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

идоравий мансублигидан қатъи назар, мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари уч йилда камидан бир марта доимий асосда 1-иловага мувофиқ Таянч олий ўқув юрларининг доимий фаолият кўрсатадиган курсларида қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича қайта тайёрланиши ва малакасини ошириши шарт;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш 2-иловага мувофиқ Олий ўқув юрларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш курси ўқув режасининг янгиланган намунаси тузилмаси асосида ишлаб чиқилган 288 соатлик махсус дастурлар бўйича икки ой давомида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади;

курслар якунида тингловчилар ҳар бир Таянч олий ўқув юртида ташкил этиладиган олий ўқув юрти ректори ёки Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш раиси раҳбарлигидаги илмий кенгаш аъзолари, ўқув-услубий ишлар соҳасидаги йирик мутахассислардан ташкил топган камидан 7 кишидан иборат Аттестация комиссиялари томонидан ўтказиладиган аттестациядан ўтади;

Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига 3-иловага мувофиқ давлат намунасидаги қатъий ҳисобдорлик ҳужжати ҳисобланган малакавий аттестат берилди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан ўтолмаган олий ўқув юрларининг раҳбар ва педагог кадрлари белгиланган муддатда такрорий қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтиши шарт;

олий ўқув юрларининг раҳбар ва педагог кадрлари такрорий аттестациядан ўтолмаган тақдирда, олий таълим муассасаларида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини йўқотади ва улар билан асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунларига кўра, аттестациядан муваффақиятли ўтган педагог кадрлар тегишли йўналиш бўйича бўш педагог лавозимини эгаллаш танловидан ўтишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади;

Таянч олий ўқув юрларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчиларнинг асосий иш жойида эгаллаб турган лавозими ва ўртача иш ҳақи ўқиш даврида сақлаб қолинади.

Олий ўқув юрларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган курслар фаолияти 2015 йилнинг 1 сентябридан ташкил этилсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2015 йилнинг 1 августига қадар олий ўқув юрларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш курси ўқув режасининг тасдиқланган Намунали таркибини инобатга олган ҳолда, олий ўқув юрлари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича янгиланган малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларининг ишлаб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

5. Мамлакатимиз олий ўқув юрларининг раҳбар ва ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш жараёнларини ташкил этиш борасидаги ишларни аниқ ва самарали мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида доимий фаолият юритадиган Идоралараро комиссия ташкил этилсин ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

олий ўқув юрлари ўқитувчиларининг замонавий талабларга мувофиқ ўз касб да-

ражасини мунтазам ошириб боришдан манфаатдорлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, олий ўқув юрларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича мазкур Фармонда кўзда тутилган вазифалар бажарилишининг тегишли назоратини таъминлашни ташкил этиш;

олий ўқув юрларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича Таянч олий ўқув юрлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўқув-услубий ва моддий-техник базасини янада ривожлантириш ҳамда мустақамлашга кўмаклашиш; замонавий талаблар ҳисобга олинган ҳолда, олий ўқув юрларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув режалари ҳамда дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш ишларини ташкил этиш;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш жараёнини қатъий тартибга солиш учун профессор-ўқитувчилари тегишли қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича қайта тайёрлашдан ўтадиган ва малакасини оширадиган олий ўқув юрларининг тегишли кафедраларини муайян Таянч олий ўқув юрларига бириктириш, бунда Таянч олий ўқув юрти ва мамлакатимиз олий ўқув юрларининг тегишли кафедралари ўртасида доимий муносабатлар ўрнатилишини назарда тутиш;

олий ўқув юрларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича Таянч олий ўқув юрларидаги аттестация комиссияларининг шахсий таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш, ҳар йил уларнинг ҳисоботларини доимий тинглаш ва зарур ҳолларда, улар таркибига ўзгартишлар киритиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ўқув юрлари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича Таянч олий ўқув юрлари Аттестация комиссиялари раислари лавозим маошига 30 фоиз миқдорда устама ҳақ белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда Аттестация комиссиялари раислари қайта тайёрлашдан ўтган ва малака оширган раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг сифат даражасига, қарорлар қабул қилишда ҳолислик, ошқоралик ва принципиаллик учун шахсан жавоб бериши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур Фармон ижросини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин ва унда қуйидагилар кўзда тутилсин:

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

олий ўқув юрлари раҳбар ва ўқитувчи кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро комиссиянинг шахсий таркибини тасдиқлаш;

Таянч олий ўқув юрларининг ўқув-услубий ва моддий-техник базасини мустақамлаш, уларни замонавий ахборот-коммуникация техникаси ва ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозлаш чоралари.

8. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2015 йил 12 июнь.

## Битирув

## ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ

Мана, ҳаш-паш дегунча орадан бир йил ўтиб, республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида яна битирув тантанаси бўлиб ўтапти. Мактаб ҳовлиси ёш офицерларни табриклаш учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган уларнинг ота-оналари, яқинлари билан гавжум.

Байрамона безатилган мактаб ҳовлисида ҳозир бўлганларнинг қувончи чексиз. Фарзандининг юрт тинчлиги, осойишталигини асрашга қодир инсон бўлиб воёга етганини кўриш ота-она учун нақадар улуғ бахт эканини уларнинг юзларида порлаётган қувонч, кўзларидаги секин ёшларидан англаш мумкин. Тантанали тадбир бошланишини барча сабрсизлик билан кутиб турибди. Ниҳоят ҳаяжонли дамлар етиб келди. Республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Аҳмедбаев ва ИИБ соҳавий хизматлари раҳбарлари, шунингдек тақлиф этилган меҳмонлар минбарга кўтарилди.

ИИБ ЕХОТМ бошлигининг ўринбосари, подполковник Ч. Хўжанов курсантлар ва шахсий таркибининг тантанали тадбирга тайёр эканлиги ҳақида республика Ички ишлар вазирлига ахборот берди. Шундан сўнг мактаб бошлиги, генерал-майор А. Қўлдошев тадбирни очиб, битирувчиларни ҳаётларидаги унутилмас кун билан табриклаб, уларнинг келгуси фаолиятлариغا омад тилади. Шунингдек, юрт тинчлиги ва осойишталигини асраш, фуқаролар хотиржамлигини таъминлашдек шарафли вазифани ҳар доим аъло даражада урдалашлариغا ишонч билдирди.

Майдон узра Давлат мадҳияси янгради. Қалбларда ватанпарварлик туйғулари жўш уриб турган шу лаҳзаларда йиғилган-



лар тинчлик ва осойишталиқнинг қадри нақадар буюк эканини янада теранроқ ҳис этди, дейиш мумкин. Битирувчиларга дипломлар тантанали равишда топширилди.

Тадбирда республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Аҳмедбаев сўзга чиқиб, битирувчиларни кутлар экан, ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимларида хизмат қилиш ҳар бир офицер учун шарафли касб ҳисобланишини алоҳида таъкидлаб, жумладан шундай деди:

— Ҳалқимизнинг оғирини енгил қилиш, машаққатли меҳнат эвазига яратилган моддий бойликларни, энг муҳими — инсонлар ҳаётини олов исканжасидан асраш ёки қутқариш энг катта савоб ишлардан ҳисобланади.

Ўз навбатида, ёнғин хавфсизлиги муҳандиси учун зарурий билим ва кўникмаларни пухта эгаллаган, жисмонан бақувват, юқори касбий тайёргарликка эга, кўрқув нимагини билмайдиган мард, жасур ўғлонларгина билдирилган юксак ишонччи оқлаб, эл-юрт олқишига ва хурматида сазовор бўлиши лозим.

Бугун саф майдонида қаддини ростлаб, шай бўлиб турган ўғлонларимиз она-Ватан сарҳадларида тинчлик-осойишталикни таъминлаш, бунёдкор халқимиз томонидан яратилаётган моддий бойликларни ўт балосидан сақлашда бор куч-ғайрати, шижоати ва малакаларини сафарбар этиб, қўйилган ҳар қандай вазифани сидқидилдан бажаришларига ишонаман.


Зеро, Президентимизнинг «Истиқлол даврида туғилиб воёга етган, мушаккил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ кунни учун бутун борлигини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши — буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айлангани ҳаммамизга ишонч ва куч-қувват бағишлайди», деган сўзлари сиз азиз ёшларга билдирилган юксак ишонч намунаси.

Тантанали маросимда мактаб профессор-ўқитувчилари номидан подполковник Д. Баҳранов, ота-оналар номидан М. Сайдалиева сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб воёга етиши учун яратилаётган имкониятлар ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Шунингдек, юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир битирувчи зиммасига улкан масъулият юклашни айтиб, саф майдонидаги ёшлар бу ишонччи шараф билан оқлашларига умид билдирди.

Ўз навбатида битирувчилар номидан лейтенант М. Эргашев сўзга чиқиб, яратилаётган шароитлар учун ҳукуратимизга, ва-

юртини муваффақиятли тамомлаган эди, — дейди тошкентлик Ғофуржон Қаюмов. — Бугун яна бир ўғлим Ғиёсжон ички ишлар идораларининг ёнғин хавфсизлиги хизматида фаолиятини бошлаш арафасида. Бундай қувончли кунлар учун ҳар қанча шукрона келтирсак арзийди. Бу тинчлик-осойишталик, албатта Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат тўғрисида.

Дарҳақиқат, Ватан тинчлигини асраш, унга садоқат билан хизмат қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Саф майдонидаги шижоатли ёшларга боқиб қалбингиз қувончга тўлади. Тинчлик-осойишталиги-



зирлик ва мактаб раҳбариятига миннатдорлик билдирди ҳамда юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилиш орқали юксак ишонччи оқлашга тенгдошлари номидан ваъда берди.

— Ўтган йили ўғлим Лазизжон Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техника билим

мининг ишонччи қўлларда эканидан гурурланиб кетасиз...

Республика ИИБ Маданият саройи ашула ва рақс ансамбли аъзоларининг куй-қўшиқлари тантанали тадбирнинг янада файзли ва завқли ўтишига ҳисса қўшди.

**Шерзод АБДУСАМADOV.**  
**Шавкат КАХҲОРОВ**  
олган суратлар.

**Куни кеча ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида битирув тантанаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Аҳмедбаев бошчилигидаги вазирлик раҳбарияти, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари ва фахрийлар иштирок этди.**

Авалло, шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мушаккил йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида олиб борилган ислохотлар самараси ўлароқ, ҳарбий соҳанинг нуфузи ортиб, офицерлик шарафли касбга айланди. Бугун юртимиздан ҳарбий таълим муассасаларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий ахлиқлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган малакали офицерлар етишиб чиқмоқда. Ана шундай таълим масканларидан бири — ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ҳозирда бешта мутахассислик бўйича офицер кадрлар тайёрланмоқда. Бу ерда ихтисослик йўналишларига кўра таълим тўрт ёки беш йил давом этади. Курсантларга ҳарбий-техник, ҳуқуқий, ижтимоий ва махсус фанлардан малакали профессор-ўқитувчилар тахсил беради. Таълим жараёнига офицер кадрлар тайёрлашнинг илғор тажрибалари жорий қилинган мазкур билим юртида курсантларнинг етарли билим олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Ўтган йиллар мобайнида таълим муассасасини битирган кўплаб мутахассислар Ички ишлар вазирлиги ва Қуроли Кучлар тизимида самарали фаолият кўрсатиб келаётганини ана шу сазй-ҳаракатлар натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

Битирув тантанаси аввалида ИИБ ТОҲТБЮ бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник А. Икромов битирувчилар диплом олиш учун сафлангани тўғрисида ахборот берган, ёш офицерларга диплом ва кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Аҳмедбаев битирувчиларни унутилмас кун билан табриклаб, жумладан, шундай деди:

— Шиддат билан ўзгариб бораётган, қарама-қаршиликлар кучаяётган, глобаллашув жараёни тезлашаётган бугунги давр ҳарбий хизматчилардан юртимиздаги тинч ва осуда ҳаётни асраб-авайлашни, ҳамиша ҳушёр, огоҳ бўлиб Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашни, уни ҳар қандай хавф-хатар, бало-қазолардан асрашни, ҳимоялашни, керак бўлса, бу йўлда жон фидо қилишни талаб этади. Шу маънода, зиммангизга нақадар катта, масъулиятли ва шу билан бирга, шарафли вазифа юкланмоқдаки, бу сиз — битирувчилардан зўр матонат, жасорат, фидойилик ва садоқатни талаб этади. Аминманки, буни яхши англаб, тушуниб турибсиз.

Гўзал ва бетакрор юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, унинг мушаккилликни мушаккамлаш йўлида фидойилик, мардлик, матонат кўрсатиб, бор куч-ғайратингизни сафарбар этишингизга ишончим комил. Уйлайманки, Қуроли Кучлар ва ҳуқуқ-тартибот идораларида қайси лавозимда хизмат қилишингиздан қатъи назар, билим юртида олган билим ва кўникмаларингизни амалда қўлаб,

она-Ватанимиз ҳимояси учун бор куч ва имкониятингизни ишга соласиз.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни ҳарбий билим юртини тамомлаб, катта ҳаётга йўлланма олганингиз билан чин дилдан муборакбод этаман. Эл-юрт тинчлигини сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мушаккамлаш борасидаги масъулиятли ва шарафли хизматларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин, азиз битирувчилар!

Вазир табригидан кейин ота-оналар номидан Хадича Эгамбулова, битирувчилар номидан лейтенант Аброр Раҳмонов сўзга чиқиб, дил сўзларини изҳор қилишди.

Шундан кейин фарзандларининг қувончига шерик бўлиш учун бу ерга ташриф бурган ота-оналар, қолаверса, уларнинг яқинлари битирувчиларни анвойи гуллар билан қарши олдилар. Унутилмас, шодиёна кун билан қутлаб, келгуси хизмат фаолиятлариغا омадлар тилашди. Улар орасида чамаси саксон-саксон беш ёшли нуроний қария эътиборимизни тортди. Фурсатдан фойдаланиб, отахонни сўхбатга тортдик.

— Мен Маҳмуд Шомирзаевман, — дея ўзини таништирдим отахон. — Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидан келдим. Данагидан мағзи ширин бўларкан-да, боллам. Набирам Асроржоннинг бугун битируви бўлишини эшитиб уйда ҳечам ўтира олмадим. Ҳозир эса қувончимнинг чеки йўқ. Бошим осмонга етди. Ахир, инсон учун ўғил-қизлари, набиралари бахтини, камolini кўришдан ортиқроқ бахт борми, бу дунёда!

Набирам ва унинг сафдошлари тўрт йил давомида ҳақиқий юрт ҳимоячилари бўлиб етишибди. Улар Ўзбекистонимизнинг мушаккам қалқони бўлишларига ишонаман.

Ватанни ҳимоя қилиш, унинг тинчлигини сақлаш — шарафли ишлар ичида энг шарафлиси. Ана шундай шарафли ишга бел боғлаган билим юрти битирувчиси, лейтенант Анвар Азимов тез орада хизмат фаолиятини бошлайди.

— Болалгимдан ҳарбий бўлишни орзу қилардим, — дейди у. — Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги кўрсатувларни катта қизиқиш билан кўрардим. Бора-бора бу қизиқишим орзуга, қатъий мақсадимга айланди. Навоий шаҳридаги 1-сонли академик лицейни тамомлагач, 2011 йили ўшбу билим юртига ҳужжатларимни топширдим. Сино-имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, курсантлар сафидан жой олдим. Билим юртида устозлардан тахсил олдим, билим ва малакамни оширдим, дунёқарашим юксалди. Қолаверса, кўплаб дўстлар орттирдим. Бугун эса ўқишни тамомлаб, лейтенант унвонига эга бўлдим. Чуқур билим олишимиз, етук мутахассис бўлиб етишимиз учун барча шароитларни яратиб берган ИИБ раҳбариятига, барча командир ва устозларимизга миннатдорлик билдираман. Ватанимга ва халқимга фидойилик билан хизмат қилиш орқали билдирилган ишонччи оқлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Тантанали маросим якунига етгач, битирувчилар, уларнинг ота-оналари, яқинлари учун ИИБ Маданият саройи ашула ва рақс ансамбли, билим юрти оркестри хонандалари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Камол ОЛЛОЁРОВ.**

## ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Майор Анвар Ботирович ХУЖАМУРОДОВ** — Сирдарё вилояти ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи лавозимига



**Майор Хайрулло Алишер ўғли БЎСТОНҚУЛОВ** — Транспортдаги ИИБ Андижон темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ бошлиғи лавозимига



**Подполковник Зокир Латипович СУВОНКУЛОВ** — Самарқанд вилояти Нуробод тумани ИИБ бошлиғи лавозимига



**Подполковник Абдурахмон Ҳақимович ХУСЕНОВ** — Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани ИИБ бошлиғи лавозимига

## ШАРАФЛИ ХИЗМАТ САРИ

Она-Ватанига хизмат қилиб, уни кўз қорачигидай асраш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Қаҳратон қишнинг аёзли совуғи-ю, ёзнинг жазирама иссиғига қарамасдан ўз юртининг порлоқ истиқболи учун хизмат қилаётган фидойилар ватаннинг асл фарзандларидир. Ана шундай забардаст ўғлонлардан бир гуруҳи мамлакатимизнинг фуқаролик олий таълим муассасаларини тамомлаб, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва тергов хизматларида офицерлик лавозимларига тайинланган эди.

Сўнгра улар ИИБ Академиясининг дала-ўқув майдонига – Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар негизида ташкил этилган касбий тайёргарлик ўқув йиғинига юборилди. Бу ерда мутахассислик бўйича зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгалладилар. Яқинда ўқиш муддати ниҳоясига етганлиги муносабати билан тингловчиларга сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев, ИИБ бош бошқармалари, соҳавий хизматларининг бошлиқлари, Академия раҳбарияти ҳамда ушбу тантананига таклиф қилинган меҳмонлар иштирок этдилар.

ИИБ Академияси бошлиғи, генерал-майор Ш. Икромов тадбирни очар экан, тингловчиларнинг таълим жараёнида чуқур билим олиб, мутахассислик сирларини пухта эгаллаганликларини, бунинг учун уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилганлигини таъкидлади. Шундан сўнг тингловчиларга сертификатлар топширилди. Ўқишни аъло баҳоларга яқунлаган битирувчиларга сертификатларни шахсан Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев топширди.

Вазир ўринбосари тингловчиларни ҳаётларидаги ушбу шодиёна билан табриқлаб, жумладан шундай деди:

— Ватанимиз тинчлиги ва фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлашга қодир, адолат билан иш юритадиган, ички ишлар идоралари ходими деган юксак номга муносиб бўлган, хизматда ва аҳоли ўртасида намуна кўрсата оладиган, ўз касбини севадиган ходимларгина ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лойиқдир. Бунинг учун авваламбор, давлатимиз ва Президентимиз томонидан қўйилаётган талаблар асосида, шахсий таркибининг маънавий-ах-



лоқий салоҳиятини, жанговар шайлигини ошириш ва хизмат интизомини мустаҳкамлашимиз зарур саналади. Зеро, эл тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли ҳамда шарафли касбни танлаган экансиз, бунда сизлардан метин ирода ва юксак даражадаги касб маҳорати талаб этилади.

Ҳақиқатан ҳам ички ишлар идоралари ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, уларнинг қонуний талабларини бажаришни ўзларининг асосий вазифаси деб билишмоқда.

— Биз айнан шундай ходимларни тарбия қилиб, юртимизнинг қорига камарбаста бўлишига астойдил бел болаганмиз, — дейди ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари 4-отряд командири, капитан Б. Авлаев.

Мазкур даргоҳда таълим олиб, мамнунлигидан қалби қувонча тўлган катта сержант Азим Баҳромов эса фикрларини қуйидагича ифода этди:

— Олий курсларда таҳсил олиб, хизмат жараёнида ўзим учун энг муҳим бўлган билим ва кўникмаларнинг асосини эгалладим. Эндиликда бу ўрганганларимни янада бойитиб, амалиётга татбиқ қилишни асосий мақсадим деб биламан.

Қизқарли ва кўтаринки руҳда ўтган тадбирда ИИБ Академияси профессор-ўқитувчилари номидан полковник З. Умаров, битирувчилар номидан катта сержант О. Пўлатов сўзга чиқди. Маросим сўнгида ИИБ Маданият саройи ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан ижро этилган дилрабо куй-қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

**Михли САФАРОВ,**  
кичик сержант.  
**Шавкат ҚАХҲОРОВ** олган сурат.

## Тадбир

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан Қашқадарё вилояти ИИБда «Уч авлод учрашуви» бўлиб ўтди. Унда узоқ йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилиб, айна пайтда кексалик гаштини сураётган фахрийлар, ҳозирда фаолият юритаётган ўрта авлод ҳамда энди ишга кирган ёш ходимлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

## УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Учрашувни вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Н. Қурбонов очиб, бундай тадбирларнинг хизмат самарадорлигини оширишдаги аҳамияти, хусусан, соҳада узоқ йиллар фаолият кўрсатган фахрийларнинг бой тажрибаси ёшлар учун ибрат мактаби вазифасини ўташини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда ички ишлар идораларида хизмат қилиш кишидан метин ирода ва сабот талаб этиши, ана шу хислатларни ўзида мужассамлаштирган ходимгина соҳа фидойилари деган шарафли номга сазовор бўлиши ҳақида сўз юритилди. Бундай инсонлар фахрийлар орасида кўпчиликни ташкил этади.

— Фахрийларимиз нафақага чиққандан сўнг ҳам жамоат ишларида фаол қатнашиб келмоқда, — дейди вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник С. Исломов. — Улар орасида қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбарлари ҳам талайгина.

Таъкидлаш лозимки, кекса авлод вакиллари соҳада энди иш бошлаган ходимларга ўз тажрибаларини ўргатишдан ташқари, устоз-шогирд аънасини янада такомиллаштиришда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Йиғилишда сўзга чиққанлар тинчликнинг нақадар улғун неъмат эканлиги, уни асраш йўлида фидойилик кўрсатаётган осойишталик посбонларига яратилаётган шароитлар ҳақида сўз юритишди.

Учрашув якунида ўз маслаҳатлари билан соҳа ривожига ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фахрийларга «Ўзбекистон ИИБ фахрийси» кўкрак нишони ҳамда Фахрий ёрликлар топширилди.

**Шермуҳаммад МУСЛИМОВ,**  
майор.  
Қашқадарё вилояти.

## Анжуман

## АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Маълумки, Ахборот марказлари кўп қиррали хизмат фаолиятини амалга оширади. Мазкур тизимнинг иш фаолиятини янада мувофиқлаштириш жорий йилнинг ўтган давридаги ишларни таҳлил қилиш, статистик, тезкор маълумотлар, архив, ахборотлар билан ишлаш ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникациялари йўналиши бўйича самарадорликни ошириш мақсадида республика ИИБ Ахборот марказида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБлари Ахборот марказлари раҳбарлари иштирок этишди.

Анжуманни республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник С. Нурматов очиб, мазкур тадбирдан кўзланган мақсад, Ахборот марказларининг жиноятчиликка қарши кураш, олдини олиш, жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини

таъминлаш борасидаги маълумотлардан кенг фойдаланиш, қидирувдаги шахсларни тегишли ҳисоблар орқали аниқланиши ёки ушланишига яқиндан ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратиш эканлигини таъкидлади.

Йиғилишда, шунингдек, ҳисоб-қайд этиш интизомига тўлиқ амал қилишни таъминлаш мақсадида шаҳар-туман ва тармоқ ИИБларида хизмат қилаётган масъул ходимлар фаолияти устидан назоратни

кучайтириш масаласига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, хизматга янги келган ёш ходимларга тажрибали мураббийларни бириктириш, меъёрий ҳужжатлар, буйруқ ва кўрсатмалар билан уларни мунтазам таништириб бориш, билим савияси, малакасини ошириш мақсадида ўқув машғулотларини янада мукамалроқ тарзда ўтказиш лозимлиги ҳақида зарур тавсиялар берилди.

Анжуманда кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан ИИБ Ахборот маркази бошлиғи, подполковник А. Ҳақимов сўзга чиқиб, ўтган вақт мобайнидаги ҳисоботларнинг асосий кўрсаткичлари, ҳисоб-қайд этиш интизоми, қидирув, тезкор ва профилактик ҳисобларнинг бугунги ҳолати, шунингдек, амалга оширилиши лозим бўлган галдаги вазифалар хусусида афрофлича тўхталиб ўтди.

Тадбир сўнгида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, соҳа равнақи йўлида бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

**Шерзод АБДУШУКУРОВ,**  
**Шавкат ҚАХҲОРОВ**  
олган сурат.

## ҚОНУН ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида «Давлат органлари ва муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни амалиётга татбиқ этиш масалалари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, ИИБ таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлардан мутахассислар иштирок этди.

Тадбирни ИИБ ЁХОТМ бошлиғи, генерал-майор А. Қўлдошев очиб, кун тартибидеги масаланинг долзарблиги, бу борада юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида маъруза қилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази профессори, юридик фанлар доктори Ш. Файзиев сўзга чиқиб, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маъруза қилди. Нотиқ мазкур қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасаларида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканини таъкидлади. Шунингдек, мурожаатларнинг турлари, шакллари, уларга қўйилган талаблар ху-

сида гапириб, янги қонуннинг қабул қилиниши давлат органларига мурожаат қилиш борасида янада қулайликлар яратганини эътироф этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўлим бошлиғи О. Норбоев «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда давлат органларининг мажбуриятлари» мавзусида маъруза қилди. У жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари ҳақида гапирар экан, мазкур ҳуқуқни амалга ошириш, ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларга риоя этилиши, мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш кафолатлари хусусида батафсил маълумот берди.

Шунингдек, сўзга чиққанлар, «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ўрни», «Мурожаатлар тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллаштириш бошқичлари», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш борасида ёнгин хавфсизлиги хизматида амалга оширилаётган ишлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ёнгинга қарши ҳолатини текширишдаги мавжуд муаммолар» каби мавзуларда маърузалар қилишди.

Тадбир сўнгида кўрилган масала юзасидан ўзаро фикр алмашилиб, савол-жавоблар бўлиб ўтди. Шунингдек, бу борада келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Иномжон РАҲИМХУҲАЕВ,**  
сержант.

«ҒАЛЛА – 2015»



Мўл ғалла ҳосилини етиштириш қанчалик муҳим бўлса, уни турли табиий офатлардан, жумладан, ёнғиндан асраш ҳам шунчалик муҳимдир. Буни яхши англаб етган Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁХБ ва унинг қўйи тизимлари ходимлари ҳам жорий ўрим-йиғим мавсумига

## ҒАЛЛАКОРЛАР БИЛАН ЁНМА-ЁН

**Мамлакатимизда деҳқонларнинг заҳматли меҳнати эвазига етиштирилган ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишга киришилди. Бу жараёнда ички ишлар идоралари, хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам фаол иштирок этишяпти.**

пухта ҳозирлик кўрдилар. Худуддаги 5 та донни қайта ишлаш корхонаси ва 19 та қабул пунктининг ёнғинга қарши ҳолати мониторинг тарзида ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларнинг аксарияти бартараф этилди. Ушбу масканлар ёнғин ўчирувчи воситалар билан таъминланди, мавжудлари соз ҳолга келтирилди. Шу билан бирга, ишчи-

ходимлар ўртасида махсус йўриқномалар ўтказилди.

Бу йил қорақалпоғистонлик ғаллакорлар 53 минг гектар ерда сара бугдой етиштирдилар. Айни пайтда тилларанг тусга кирган ғаллазорлардаги ҳосилни 200 та замонавий комбайн ёрдамида ўриб-йиғиб олиш режалаштирилган. Мазкур комбайнларнинг ҳар бири кўриқдан ўтказилиб, ёнғинга қарши зарур воситалар билан таъ-

минланган. Бундан ташқари, комбайнларнинг ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган агрегат ва қурилмаларидаги нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўриш назоратга олинган. Бу борада жойлардаги машина-трактор парклари мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти.

**Азамат ДАВЛЕТОВ,**  
капитан.

*Қорақалпоғистон Республикаси.*

**Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида бу йил 14,1 минг гектар майдонда ҳосил етиштирилди.**

Айни пайтда ўрим-йиғимга қирқдан ортиқ турли русумдаги комбайнлар жалб қилинган. Йиғиб олинган ҳосил пешмапеш қабул пунктларига етказилляпти. Ғалла майдонларида, хирмон ва дон қабул қилиш пунктларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туман ИИБ ЁХБ ходимлари куну тун хизмат қилишмоқда. Ўрим-йиғим олдидан ҳар бир комбайн, дон ташувчи транспорт воситаси, хирмон ва қабул пунктларидаги техникалар қатъий текширувдан ўтказилди.



Айни кунларда ҳам комбайнлар далага кириш олдидан яна бир бор текширувдан ўтказилиб, комбайнчилар иштирокида профилактика суҳбатлар ташкил этилмоқда.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**

*Сирдарё вилояти.*

**Суратда:** туман ИИБ ЁХБ бошлиғи, катта лейтенант Бекзод Убайдуллаев тумандаги «Шукрона ерлар» фермер хўжалигида ўримга тушаётган комбайнчилар билан профилактика тадбир ўтказмоқда.

**Муаллиф олган сурат.**

**Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ томонидан ғалла мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни кўнгилдагидек ўтказиш борасида қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан вилоятдаги донни қайта ишлаш кор-

хонаси, 13 та қабул қилиш ва сақлаш шохобчасининг ёнғин хавфсизлиги ҳолати ўрганилди. Ўрим-йиғимга жалб этиладиган комбайн ва ташиш транспорт воситаларининг учқун сўндиргич ҳамда бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланганлиги текшириб чиқилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Барча корхона ва шохобчаларда амалий ўқув-тактик машқлар, машғулотлар ўтказилди. Уларда айни пайтда давлат ёнғин назорати ходимларининг узлуксиз навбатчилиги ташкил этилган.

Ҳозирги пайтда жойларда ўрим-йиғимга жалб этилган барча комбайн, трактор ва бошқа транспорт воситаларининг бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланиши, донни

қайта ишлаш корхоналари, қабул қилиш ва сақлаш омборларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши назоратга олинган.

Хуллас, халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган донни ёнғин аталмиш офатдан асраш учун барча имкониятлар ишга солинган.

**Сардор СУРМЕТОВ,**  
кичик сержант.

*Тошкент вилояти.*

Кўрик-танлов

## НАВБАТ – РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

**Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати хизмат итлари питомнигида «Намунали кичик питомник», шунингдек, кинолог ходимлари ўртасида «Кинология хизмати аълочиси» кўрик-танлови ўтказилди.**

Танловда вилоят ИИБ ЙХХБ алоҳида ЙПХ ҳамда барча шаҳар-туман ИИБ ЖТСГ инспектор-кинологлари иштирок этишди. Кинологлар табель қуролини тўлиқсиз қисмларга ажратиш, ўқ отиш, қўл жанги, спорт тўсинида тортилиш, 100 ва 3000 метрга югуриш, саф тайёргарлиги, хизмат итлари ёрдамида махсус машқларни бажариш ва тест синовлари бўйича беллашилди.

Кўрик-танлов якунига кўра, «Кинология хизмати аълочиси» номинацияси бўйича фахрли биринчи ўринни энг юқори 124 балл тўплаган вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХБ милиционер-кинологи, сафдор О. Йигиталиев эгаллади ва республика босқичи йўлланмасини қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати хизмат итлари питомниги инспектор-кинологи, сафдор О. Арслонов ҳамда ППХ батальони милиционер-кинологи, сафдор Ж. Наврўзовга берилди.

**«Намунали кичик питомник»** номинацияси бўйича фахрли биринчи ўринга Сардоба тумани ИИБ хизмат итлари кичик питомниги лойиқ деб топилди.

Ғолибларга вилоят ИИБ Фахрий ёрлиғи, қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари топширилди.

**Улуғбек ХАЙДАРОВ,**  
катта лейтенант.

«Таътил – 2015»

## МАВСУМ КўНГИЛДАГИДЕК ўТАДИ

**Серкўёш диёримизда ёзнинг жазирама кунлари бошланиб, болажонларимиз аллақачон таътилга чиқишди. Ғалдаги вазифа юртимиз келажоғи бўлмиш ёш авлоднинг ёзги таътил даврини кўнгилли ўтказиши, мириқиб дам олиши учун барча шарт-шароитларни яратиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат.**

Бу йилги мавсумда республикамиз ҳудудидаги 213 та стационар, 795 та кундузги (мактаблар қошидаги), 141 та меҳнат ва дам олиш оромгоҳларида 287 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши режалаштирилган. Таътилнинг ноҳуш ҳодисаларсиз, тинч-осойишта ўтишини таъминлаш борасида барча дахлдор ташкилот ва идоралар билан бирга Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 14 майида Ички ишлар вазирлигининг «Оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида»ги буйруғи чиқарилиб, айни пайтда унинг ижроси назоратга олинди. Шунингдек, вазирликнинг «Ёзги дам олиш мавсумида кенг қамровли «Таътил» профилактика тадбирини ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилиниб, бу борадаги ишларни мувофиқлаш-

тириб ва назорат қилиб борувчи ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳи таркибига хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъул соҳавий ҳамда ҳудудий хизмат раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек, оромгоҳларда фаолият кўрсатувчи тарбиячилар киритилган, уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Мавсум давомида болажонларни оромгоҳларга олиб бориш ҳамда олиб келишга жалб этилган ҳар бир транспорт воситасининг техник жиҳатдан шайлиги, ҳайдовчилар билан йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш юзасидан алоҳида йўриқномалар ўтказилиши таъминланмоқда. Болаларни оромгоҳларга олиб бораётган автобусларнинг ҳар бирида ички ишлар идоралари ходимларининг бўлиши, шунингдек, бўш автобусларни олиб бориш ва олиб келиш йўл-патруль хизматининг патруль автомобиллари кузатувида фақат кундузи амалга оширилиши бел-

гилаб қўйилди. Автобуслар қайси ҳудуддан ажратилган бўлса, ўша ҳудудда жойлашган йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимнинг патруль автомобиллари томонидан уларнинг кузатуви бошдан охиригача амалга ошириладиган бўлди.

Оромгоҳлардаги сузиш ҳавзаларига етарли малака ва тажрибага эга бўлган сузиш бўйича йўриқчи ва қутқарувчи-ғаввосларнинг жалб этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар жойларда Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этиляпти. Зеро, улар чўмилаётганларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан бирга ногоҳ чўкаётганларни қутқариб қолиш ҳамда уларга биринчи ёрдам кўрсатишда ҳам зарур малака ва кўникмага эга бўлиши даркор.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирларнинг кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда амалга оширилиши болажонларнинг оромгоҳларда тинч-осойишта, мириқиб дам олишини таъминлайди. Бунинг учун ушбу масъулиятли ишга жалб этилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, мутасадди педагогик жамоа ва жамоатчилик вакиллари ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашсалар бас.

**Зикрилла НЕЪМАТОВ,**  
полковник.

**Ҳадемай ёзги оромгоҳлар яна болажонларни ўз кучоғига олиб, уларнинг шодон қийқириқлари билан тўлади. Табиийки, фарзандини оромгоҳларга юбораётган ҳар бир ота-она уларнинг тинч-хотиржам, мазмунли ҳордиқ чиқаришини хоҳлайди. Бунда, албатта, хавфсизликка масъул соҳа ходимларининг тутган ўрни ғоят муҳимдир.**

## ОРОМГОҲЛАР БАҒРИГА ЧОРЛАР

Шу муносабат билан Тошкент вилояти «Динамо» ўйингоҳида оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент вилояти, Навоий вилояти ва Транспортдаги ИИБларидан бириктирилган 200 нафардан зиёд ходим иштирокида хизматолди йўриқномаси ўтказилди. Унда мавсумнинг кўнгилсиз ҳодисалардан холи ўтишини таъминлаш, бунинг учун оромгоҳларга бириктирилган ички ишлар идораси ходимининг ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиши ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди. Мавсумда дам олувчи болалар ва оромгоҳ ишчи-хизматчиларининг хавфсизлигини таъминлаш борасида вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидлаш лозимки, пойтахт вилоятида жорий мавсумда 51 та оромгоҳнинг фаолият юртиши режалаштирилган. Уларнинг 19 таси Тошкент вилоя-

тида, 1 таси Навоий вилоятида, 28 таси Тошкент шаҳридаги вазирлик, корхона, ташкилот ва муассасалар, 3 таси Транспорт ИИБ тасарруфида. Мазкур оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, оромгоҳлар ҳудудида рўй бериши мумкин бўлган турли ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тўрт нафардан (уч нафари профилактика хизмати, бир нафари ёнғин хавфсизлиги хизматидан) тажрибали ходимлар бириктирилди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар, амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад битта: у ҳам бўлса, болажонларнинг ёзги таътилда кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариб, оиласи бағрига тинч-омон қайтишига эришиш ва уларнинг аъло кайфият билан ўқишларини давом эттиришларига ҳисса қўшишдан иборат.

**Гулшан ИНОҒОМОВА,**  
катта лейтенант.

## ҲАМКОРЛИҚДА, ҲАМЖИҲАТЛИҚДА

**Юртимизда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг қуйи бўғини бўлмиш профилактика хизматининг алоҳида ўрни бор. Чунки профилактика инспекторлари асосан аҳоли ичида фаолият юритиб, фуқароларнинг яшашидан, туриш-турмушидан хабардор бўлади, уларнинг оилавий аҳволи, нима ишлар билан машғул эканлигини яхши билади.**

Ҳозирги вақтда аксарият милиция таянч пунктлари маҳалла фуқаролар йиғинлари билан битта бинода жойлашган. Бу ўзаро ҳамкорликда ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш имкониятини кенгайтирмоқда. Натижада ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ турли хил кўнгилсиз ҳолатлар сони йилдан йилга камайиб борапти. Косон тумани марказидаги «Нартичукур» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамаражаб Муродов бу ҳақда шундай дейди:

– Маҳалламиз аҳлининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш вазифаларини бажаришда профилактика инспектори, катта лейтенант Зариф Йўлдошев билан ҳамкорлигимиз ижобий самара бермоқда. У ўзига юклатилган вазифаларга сидқидилдан ёндашади. «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси аъзолари, фаоллар биргаликда фуқароларимиз ҳолидан ҳар кун хабар олиб турамыз. Кўриб турганингиздек, маҳалламиз тинч, одамларимиз ўз юмушлари билан банд, фаровон турмуш кечиришапти.

– Ҳар қандай ғайриқонуний ва ғайриахлоқий тусдаги хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш кундалик фаолиятимизнинг асосини ташкил этади, – дея суҳбатга қўшилади профилактика инспектори. – Қонунбузарларга нисбатан чора кўриш, ғайриижтимоий, ҳуқуққа хилоф ҳодисаларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш биздан, табиийки, фидойиликни талаб қилади. Шу боис ўз вазифамизга жиддий қараймиз.

Маълумки, фуқароларнинг шикоятларини қонуний ҳал этиш профилактика инспекторларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Катта лейтенант Зариф Йўлдошев ҳам фуқаролардан тушган аризаларни ўрганиб, уларнинг асосий қисмини маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ҳал этиб келади. Шунингдек, унинг ташаббуси билан ҳудуддаги 7-мактабда тез-тез муҳим мавзу-

ларда тарғибот тадбирлари ўтказилади. Бу каби саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, маҳаллада кейинги йилларда жиноятчилик қайд этилмади.

«Сарипул» маҳалла фуқаролар йиғини ҳам бу борада қўшни маҳалладан қолишмайди. Маҳалла ҳудудидаги 9-мактабга кириб борар эканмиз, дарвоза олдида бизни мактаб директори ва ички ишлар идораси ходими кутиб олди. Ўзини туман ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси гуруҳи инспектори, капитан Акбар Жўраев деб таништирган осойишталик посбони навбатдаги тадбирни ўтказиш учун таълим муассасасига келган экан.

– Менга бириктирилган маъмурий ҳудудда 34 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, – дейди капитан Акбар Жўраев. – Шундан 15 минг нафардан ортинини вояга етмаганлар ташкил этади. 20 та умумтаълим мактаби, 2 та касб-хунар коллежида таҳсил олаётган ёшлар билан мунтазам учрашиб, турли мавзуларда тадбирлар ўтказиб турамыз. Уларда диний экстремизм, гиёҳвандлик, ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари тўғрисида сўз боради. Қолаверса, маданият-кўнгилочар муассасалар, спорт-соғломлаштириш масканлари фаолияти ҳам доимий эътиборда. Шунинг учунми, кўрсаткичларимиз яхши. Масалан, ўтган йилнинг дастлабки уч ойида тўртта ҳуқуқбузарлик содир бўлган. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса вояга етмаганлар ўртасида бундай кўнгилсизликлар кузатилмади.

Тинчлик – бебаҳо неъмат. У мамлакат равнақини, истиқболини белгилаб беради. Шу маънода, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш борасида ички ишлар идоралари томонидан олиб борилаётган ишлар беқиёс аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.

**Элмурод ЭГАМКҮЛОВ,**  
журналист.

Қашқадарё вилояти.

– Андижон шаҳрида жамоат тартибини сақлаш мақсадида ходимларимиз кечаю кундуз хизмат ўташади. Одатда автопатруллар ва пиёда ППХ нарядлари осойишталикни таъминлашади. Оммавий маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари чоғида эса отлик нарядлар ҳам хизматга жалб этилади, – дейди Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальони командири, подполковник Илхомжон Аҳмедов.

Жорий йил бошидан буён ушбу жамоа ходимлари томонидан элликка яқин жиноят «иссиқ изида» фош этилди. Бунга айрим мисоллар келтирсак.

Шаҳар ИИБга Остонақул Йўлдошев мурожаат этди. Унинг айтишича, эшигини очиб ҳолда қолдирган «Тико» автомашинасини бир соатлар бурун номаълум кимса олиб қочган эди. Бутун вилоят бўйлаб «Тўсиб ушлаш» тадбири эълон қилинди.

Батальон ходимлари гуруҳ командири, катта сержант Валижон Абдурахмонов ва милиционерлар, сафдорлар Фазлиддин Абубакиров ҳамда Шухрат Аширалиев автомобиль шаҳар кўчаларидан бирида қолдириб кетилганини аниқлашди. Тез орада автоуловни олиб қочган фуқаро ҳам қўлга олинди.

Батальоннинг 1-отряди милиционерлари, сержант Улуғбек Охунов, сафдорлар Азимжон Юнусов ва Фарҳодбек Дармонов «Янги бозор» деҳқон бозори ҳудудида хизмат ўташаётган эди. Осойишталик посбонлари бир аёл уларга кўзи тушган,

ёшлар ташкил этади. Жамоада мурабийлик ҳаракати кенг қулоқ ёйган. Ёш ходимлар тажрибали ҳамкасбларига бириктирилиб, улар билан бирга хизмат ўтаб, соҳанинг сир-асрорларини ўрганишади, амалий кўникмаларини мустаҳкамлашади.

Шахсий таркиб хизматдан бўш пайтлари жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланади. Иккинчи отряд милиционерлари, сафдор Сардорбек Содиков яқинда қўл жанги бўйича бўлиб ўтган ИИБ биринчилигида қатнашиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Батальон ходимлари жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажаришмоқда. Улар хизмат ўташ чоғида ўзларининг ҳушмуомала эканлигини намойиш қилишмоқда, қонун талабларига қатъий риоя этишмоқда. Шунинг учун ҳам ППХ батальони раҳбариятига аҳолидан миннатдорлик хатлари келиб турибди.

**Борис КЛЕЙМАН.**  
Андижон вилояти.

**Суратда:** 4-отряд милиционерлари, сержант Оқилжон Тўйчиев ва сафдор Анваржон Сулаймонов хизмат пайтида.

Муаллиф олган сурат.

## АҲОЛИ УЛАРДАН МАМНУН



ўзини оломон орасига урганиб сезиб қолишди. У тўхтатилиб, ҳужжатлари текширилиб кўрилганида, жиноят содир этганлиги учун тергов идораларидан яшириниб юрганлиги аниқланди. Қидирувдаги шахс Андижон шаҳар ИИБга олиб келинди.

Батальон шахсий таркибининг асосий қисмини

### СУРАТЛИ АҲБОРОТ

## МУҲИМ БЎҒИНЛАРДАН БИРИ

Навбатчилик қисми ички ишлар идорасининг муҳим бўғини саналади. Чунки айнан шу ерга ҳудуддаги тезкор вазият бўйича барча маълумотлар келиб тушади. Ички ишлар идорасининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши, энг муҳими, аҳолининг тинчлик-осойишталиги таъминланиши кўп жиҳатдан навбатчилик қисми ходимларининг вазиятга қараб тўғри қарор қабул қилишига боғлиқ.

Юз берган жиноят тўғрисида навбатчилик қисмига ташвишли хабар келиб тушиши биланоқ зудлик билан тергов-тезкор гуруҳи воқеа жойига йўл олади. Кўп нарса, ҳатто гоҳида кимнингдир ҳаёти сақлаб қолиниши ҳам уларнинг тезкорлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун навбатчи воқеа юз берган жойни яхши билиши, қийин вазиятларда тез ҳамда беҳато қарор қабул қила олиши муҳимдир.

Оқдарё тумани ИИБ тезкор навбатчиси, капитан Зоир Омонов ва навбатчи ёрдамчиси, кичик сержант Жамол Равшанов ана шундай мақтовга лойиқдир. Зоир Омонов айнан шу бўлинмада кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаяпти. У жуда кўплаб ходимларнинг устозига айланган.

Диққат-эътиборлигини, телефон қўнғироқларига аниқ жавоб беришини кўриб унинг ўз ишининг устаси эканлигига амин бўлдик.

Кичик сержант Жамол Равшанов эса устозидан касб сирларини ўрганган. Ҳар иккаласи ҳам шу туманда туғилганликлари сабабли ҳар бир қишлоқни, маҳаллани яхши билишади. Улар маҳоратлари ва тезкорликлари боис туман ИИБ шахсий таркиби орасида хурматга сазовор бўлишган.

**Дилбар САЛОҲИДИНОВА.**  
Самарқанд вилояти.

**Суратда:** капитан З. Омонов ва кичик сержант Ж. Равшанов навбатчилик пайтида.

Муаллиф олган сурат.



# ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

## Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият

Навоий шаҳар ИИБ-да фуқароларни қабул қилиш хонаси 2010 йилда ташкил этилган. Бу ерда турли мурожаатлар билан келган фуқароларни ҳеч бир тўсиқсиз қабул қилиш мақсадида барча шарт-шароитлар яратилган. «Ҳуқуқий бурчак» турли мазмундаги юридик адабиётлар билан бойитиб борилмоқда.



Навоий шаҳар ИИБ фуқароларни қабул қилиш хонасининг умумий кўриниши.

## ФУҚАРОЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Фуқароларнинг алоҳида кутиш хонаси ҳам бўлиб, бу ердаги республика ва вилоят миқёсида чоп этилаётган турли газета ҳамда журналлар доимий янгиланиб борилади. Хона телевизор, стул ва диванлар билан жиҳозланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари

тўғрисида»ги Қонуни ҳамда вазирликнинг тегишли буйруқлари талабларидан келиб чиққан ҳолда фуқаролар шаҳар ИИБ раҳбарияти томонидан ўз вақтида қабул қилинапти. Бу ерда 2015 йил май ойи давомида Навоий шаҳар ИИБ бошлиғи ва унинг ўринбосарлари томонидан жами 150 нафар фуқаро қабул қилинган.

Аҳолига ҳуқуқий маслаҳат бериш, ариза ва шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқиш алоҳида назорат остига олинган. Мурожаатларнинг кўри-нишидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилаётганидан аҳоли мамнун. Бой касбий маҳоратга эга ходимлар касб маданияти қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганиб, тегишли чоралар кўришмоқда. Бу эса ўз навбатида, аҳоли орасида ички ишлар идораларига бўлган ишончнинг янада ортишига, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни мустақамлашга, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

**Абу КЕНЖАЕВ.**  
Навоий вилояти.  
Муаллиф олган суратлар.

## Паспорт тартиботи – ҳаёт зарурати

# ЖАРАЁН ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Паспорт – ҳар бир шахснинг бош ҳужжати. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ана шу муҳим ҳужжатга муносабатида ҳам ўз аксини топади, десак, муболаға бўлмайд.

Наманган тумани ИИБ паспорт бўлинмаси томонидан бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда «Паспорт-виза», «Фуқаро» каби қатор профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шу тадбирларда паспорт тартиботи қоидаларини тушуниб етмаган шахсларнинг учраётгани таассуфли ҳол. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳақиқий бўлмаган паспорт билан юрганлиги учун 42 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, улардан белгиланган миқдорда жарима ундирилди. Шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг туман ҳудудида бўлиши, вақтинчалик яшashi ва транзит ўтишини назорат қилиш мақсадида ўтказилган тадбирлар давомида мамлакатимизда бўлиш қоидаларини бузган икки нафар чет эл фуқароси, бир нафар фуқаролиги бўлмаган шахс ва икки нафар хонадон эгаси аниқланди. Жумладан, тумандаги қўшма корхоналардан бирида хорижий фуқаро доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтмасдан ишлаб келгани аниқланиб, унга

нисбатан маъмурий чора кўрилди.

Айни кунларда туманда фуқароларга биометрик паспорт бериш қизгин давом этмоқда. Ҳозиргача паспорт бўлинмаси томонидан аҳолининг 46550 нафардан ортиғига биометрик паспорт расмийлаштирилиб берилди. Ушбу жараён учун бўлинмада иккита алоҳида хона ажратилиб, махсус техника ва қурилмалар, бошқа зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Юмшоқ мебеллар, телевизор, DVD плеери, замонавий иситиш-совутиш мосламалари билан жиҳозланган кутиш залида фуқароларга биометрик паспорт олиш тартиби тўғрисидаги лавҳалар билан бир қаторда, турли долзарб мавзулардаги видеороликлар ҳам намойиш этиб келинапти. Булардан ташқари, биринчи марта паспорт олаётган фуқароларга ушбу бош ҳужжатнинг аҳамияти, кадр-қиммати, уни асраб-авайлаш, тартиб-қоидаларга риоя қилиш лозимлиги тушунтирилмоқда.

**Соҳибжон БОБОЖОНОВ,**  
капитан.  
**Маматхон ДАМИНШОЕВ,**  
журналист.  
Наманган вилояти.



Навоий шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ёрқинбек Аҳмедов фуқаро билан суҳбатлашмоқда.

## «101» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафтада мамлакатимиз ҳудудида 326 та ёнғин содир бўлгани қайд этилди. Бу ёнғинларда тўрт нафар фуқаро тан жароҳати олган. 472 млн. сўмдан ортиқ қурилиш материаллари, 936 млн. сўмга яқин моддий бойлиқлар ёнғиндан сақлаб қолинган.

**Фарғона вилояти Фарғона туманида** яшовчи С. Раҳимовнинг уйида ёнғин содир бўлиб, молхонанинг том қисми ёниб зарарланди. Ёнғин ёш болаларнинг қаровсиз қолдирилгани ва улар молхона атрофида гугурт ўйнаб, хашакни ёқиб юборгани сабабли рўй бергани аниқланди.

**Тошкент шаҳар Учтепа туманида** истиқомат қилувчи И. Шоисломовнинг уйида электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин келиб чиқди. Энг ёмони, ёнғин қўшнининг хонадонига ҳам ўтиб, ҳар иккала уйнинг том қисми, жиҳозлари ёниб зарарланган.

Ёш болаларнинг эътиборсиз қолдирилиши **Жиззах шаҳрида** яшовчи Ж. Ҳожиметовнинг ҳам уйида ёнғин содир бўлишига олиб келди. Натижада унинг ҳовлисидаги ўтинхонанинг том қисми ёниб кетган.

Ёш болаларни назоратдан четда қолдириш, уларнинг гугурт билан ўйнашига йўл қўйиш хунуқ оқибатларга олиб келиши юқорида келтирилган мисолларда яна бир бор ўз тасдиғини топди. Шу боис ота-оналардан ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида болаларга янада эътиборли бўлишларини эслатиб ўтамиз.

**Жалолиддин ҲАКИМОВ,**  
майор.

## ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

### «SPARK»ДАГИ ТАЛОНЧИЛАР

Тошкент вилоятининг Бўка туманида яшовчи И. Наим туман ИИБга мурожаат қилди. Гап шундаки, унинг воёга етмаган икки нафар қизи уйига келаётганида уларнинг олдида «Spark» машинаси келиб тўхтади ва икки нотаниш аёл қизларнинг қулоғидаги тилла зиракларни ечиб олиб, кейин бир зумда қочиб қолишди.

Мазкур ҳолат юзасидан ички ишлар идоралари ходимлари томонидан тезкор чоралар кўрилди. Кўп ўтмай ушбу талончиликни пойтахтимизнинг Сергели туманида яшовчи Ж. Ноила ва Б. Карима содир этгани, уларга таниши, яъни автоулов эгаси Қ. Абдужаббор ёрдам бергани аниқланди.

Ҳозирда талончилар қўлга олиниб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди.

### ҲАМТОВОҚЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Бухоро вилояти Олот тумани телекоммуникация тармоғи раҳбари туман ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, «Дилкор» ҳамда «Жумабозор» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидан ўтувчи 900 метр алоқа кабеллари ўғирлаб кетилганлигини маълум қилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида мазкур жиноят шу туманда яшовчи М. Фарҳод ва унинг ҳамтовоғи, қоракўлик Х. Нурилла томонидан амалга оширилгани аниқланди. Улар тезда қўлга олиниб, жиноят иши қўзғатилди.

### МЕҲМОННАВОЗЛИКНИ УНУТГАН МЕЗБОН

Жаҳлга берилиш ҳеч қачон, ҳеч кимга яхшилик олиб келмаган. Унинг оқибати кўнгилсизлик билан яқун топиши аниқ. Қуйидаги воқеа ушбу ҳаётини ҳақиқатнинг яна бир бор исботидир.

Сурхондарё вилоятининг Қизириқ туманида яшовчи Б. Зоир уйига меҳмон бўлиб келган М. Аброр билан гап талашиб жанжаллашиб қолди. Охир-оқибат жаҳлга эрк берган меҳмон ўзини бошқара олмай пичоқ билан меҳмонга жароҳат этказди. М. Аброр шифохонага ётқизилди. Б. Зоир эса ички ишлар идораларига олиб келиниб, терговга жалб этилди.

### МУШТУМЗҮР ЙЎЛТҮСАР

Тошкент шаҳар Яққасарой туманида яшовчи С. Алексей кечки пайт зарур юмуш билан кўчага чиқди. Ишини битириб уйига қайтаётганида эса йўлини нотаниш кимса тўсиб, ундан пул талаб қилди. Алексей ҳам бўш келмай аввалига гап талашди, ўзини ҳимоя қилди. Аммо безори Алексейдан устун келиб, унга жароҳат етказиб қочиб қолди.

Туман ИИБ ходимлари олиб борган суриштирув ишлари натижасида ушбу безориликни Э. Алибек содир этгани аён бўлди. Айни пайтда ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

**Шерали АНВАРОВ,**  
майор.

Маърифат ва сиёсий ўқиш

# ДЕМОКРАТИЯ ВА «ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ»

«Демократия» тушунчаси қадимги юнон тилида «**халқ ҳокимиятчилиги**» ёки «**халқ ҳокимияти**» деган маънони англатган. Шунга мос равишда талқин этиладиган бўлса, демократиянинг муҳим белгиси, у ёки бу мамлакатда халқнинг олий ҳокимиятни амалга оширувчи эканлигидир. Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши жараёнларининг ҳуқуқий асоси Конституциямизда белгилаб қўйилганининг гувоҳи бўламиз. У ўзига хос сиёсий-фалсафий мазмунга эга бўлиб, унда Ўзбекистонда қуриладиган демократик жамиятнинг устувор мақсадлари, тамойиллари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ўзининг яққол ифодасини топган.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасидаги кенг қамровли ислохотларнинг бош вазифаси фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинлиги ва ҳуқуқларини, ахборот ва ўз фикрларини олиш, тарқатишга бўлган эркинликлари, ҳуқуқларини таъминлашдан иборатдир. Юртбошимиз оммавий ахборот воситаларининг «тўртинчи ҳокимият» сифатида мавқеини мустақамлаш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг муҳим шартини эканини такрор-такрор таъкидлаб келади. «Барча оммавий ахборот воситаларига, — дейди Президентимиз Ислам Каримов, — мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шароитларни яратиб бериши лозим, ...бу жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир».

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритиши туфайли фуқароларимизнинг дунёқараши, тафаккури, ҳуқуқий онги ва маданиятида туб ўзгаришлар юз берди. Бугун Ўзбекистонда бошқарувни либераллаштириш давлат ва жамиятни модернизация қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари оммавий ахборот воситалари фаолиятига янгича ёндашувларни тақозо этмоқда. Мазкур масала, шубҳасиз, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлмиш оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш масалаларига бориб тақалади.

Ҳар қандай жамиятда ахборот ҳамisha мамлакат тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савиясининг шаклланишида асосий восита бўлиб хизмат қилиб келган. Бу ҳолат, айниқса, шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув замида ҳар қачонгидан кўра кенг тармоқ ёзди, бинобарин, ҳаётимизнинг бирорта соҳалари оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Сўз ва матбуот эркинлиги, унинг кенг ошқоралиги, ислохотларнинг очиклигини таъминладиган демократик принциплар

ни ҳаётга жорий этиш имкони беради. Айни ана шу вазифа нуқтаи назаридан жамиятни янада ривожлантириш, уни сифат жиҳатидан янгилашда устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида олиб бориладиган давлат сиёсатининг қонунлар ёрдамида мустақамлашиши оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлиги ва мустақиллигини амалда таъминлаш, уларнинг том маънода тўртинчи ҳокимият сифатида шаклланиши учун етарли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг гоёта муҳим шартини оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир. Бу борадаги асосий вазифа матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги, эркинлигини амалда таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини фикрлар ва фикрларни эркин ифода этадиган майдонга айлантиришдан иборат. Бу чоралар натижасида аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки учун кенг миқёсда жалб этилишига эришиш мумкин.

2014 йилнинг 6 май куни кучга кирган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонун кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмалари вазифаларини босқичма-босқич жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказиш борис сингари демократик тамойилларни чуқурлаштиришда ОАВ имкониетидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Юқорида таъкидлаб ўтилган принциплар мамлакатимиз сиёсий тизимининг халқ манфаати йўлида самарали фаолият юртишига хизмат қилувчи, етакчи ва йўналтирувчи ғоялардир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг «ўзбек модели» асосида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан изчил бормоқда. Ушбу серқирра жараён самарадорлигини ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва демократик янгиланишни таъминлашда жамоатчилик фикрини шакллантирадиган ҳамда аҳолининг амалга ошириладиган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишига кўмаклашадиган оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин эгаллайди.

Тараққиётимиз йўлида эришилаётган янги ютуқлар ва марралар билан бир қаторда мазкур соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Нодавлат ом-

мавий ахборот воситалари сони тобора кўпайиб бораётгани сўзимиз исботидир.

Ахборот соҳаси моддий-техник базасининг изчил мустақамлашиши бораётгани истиқлол йилларида ушбу йўналишда улкан ишлар амалга оширилганидан далолат беради. Натижада нашриёт ва матбаа қорхоналари томонидан чиқариладиган маҳсулотлар сифати анча ошди. Кўплаб давлат ва нодавлат телерадиоканаллар замонавий медиа-технологиялар ва асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда, ўз кўрсатув ҳамда эшиттиришларининг техник сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга эришди.



Ахборотни янада тезкор тарқатиш имконини берадиган интернет журналистикасини ривожлантириш учун ҳам кенг имкониетлар яратилганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда медиа-маконда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг юздан ортиқ веб-сайтлари фаолият кўрсатмоқда. Олий ўқув юртлари ўқув дастурига махсус курслар киритилган бўлиб, бу мазкур соҳада меҳнат қилаётган журналистлар сафини кенгайтиришга ёрдам бермоқда.

Бугунги кунда матбуот соҳасида ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга, жиддий сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқда. Газета ва журналлар, радио-телеканалларнинг мазмун-моҳияти, мавзу доираси замона талабларига мос бўлиб, журналистларнинг дунёқараши, билим, тажрибаси, қасб маҳорати юксалиб бораётгани айни ҳақиқатдир.

Оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим вазифаси мамлакатимизда олиб бориладиган ички ва ташқи сиёсатни атрофимизда содир бўладиган воқеаларга нисбатан фикрлар, қарашлар ранг-баранглиги, жамиятимизни янада эркинлаштириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ҳолисона ёритишдан иборат.

Шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари зиммасига катта масъулият юкланади. Биринчи навбатда, улар реал ҳаётни, мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни ҳолис ва ҳар томонлама акс эттириши, юзага келадиган муаммоларни кўтариб чиқиши, шу та-

риқа уларни ҳал этишга кўмаклашиши лозим.

Истиқлол йилларида янги ижтимоий муносабатларнинг самарали ҳуқуқий механизмни яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг муҳим институтларидан биридир. Ушбу соҳадаги давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилган сўз эркинлиги принциплари ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини изчиллик

лар жумласидандир. Мазкур қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ушбу соҳада илгари мавжуд бўлмаган ҳуқуқий институтларни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш имконини берди. Улар демократик стандартларга мувофиқ сўз эркинлиги, ҳеч қандай монеликсиз ахборотни тарқатиш, излаш, олиш, унга эғалик қилиш ва ундан фойдаланиш, ахборот маҳсулотини яратиш, тарқатишда фойдаланиладиган материаллар, хомашё, техника воситалари ҳамда ускуналарини ишлаб чиқариш, харид қилиш, сақлаш ва қўллаш масалаларини тартибга солиди. Буларнинг барчаси бугунги кунда ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

XXI асрда ҳамма жаҳонларда ахборот технологиялари ва коммуникацияларидан фойдаланиш ахборотнинг жамият ривожига таъсир кўрсатишининг асосий омилларидан бирига айланмоқда. Юртбошимиз «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ҳам бу ҳақда алоҳида фикрларини билдирганлар.

Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада белгиланган чора-тадбирлар пухта ўйланган, ниҳоятда долзарб ва катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Улар ахборот соҳасидаги барча ижтимоий муносабатларни ўз ичига олган бўлиб, оммавий ахборот воситалари фаолиятида бозор механизмларини такомиллаштириш, ахборотдан эркин ва тенг фойдаланишни таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ошқоралик принципини амалга ошириш, жамоат, парламент назоратини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш учун самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга қаратилган.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги янги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш, шунингдек, амалдаги қонун нормаларини такомиллаштириш, шубҳасиз, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг сўз ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўйбага чиқариш мақсадида жамиятимизни демократлаштириш жараёнида муҳим қадам бўлиб, бу борада янги босқични бошлаб беради.

**Сирожиiddин ШОНАЗАРОВ,**  
журналист.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

## БУНДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

### Иккинчи мақола

**Коррупция узоқ тарихга эга ҳодиса саналади. У ҳар қандай давлатда учрайди. Ушбу жиноятчилик турининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳанузгача долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бюджет маблағларини талон-тарож қилишга, порахўрликка қарши курашишда янги ёндашувлар ишлаб чиқиш давр талабидир. Айнисига, бу каби жиноий ҳодисалардан ҳуқуқ-тартибот органларини бутунлай халос этиш жуда муҳимдир.**

Бу борада давлат сиёсатини амалга оширишнинг муҳим вазифаси жамиятда коррупцияни кескин қоралаш муҳитини яратишдан иборат. Ўзбекистонда мазкур вазифани амалга ошириш аҳоли маънавияти ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат хизматларини амалга ошириш жараёнларининг юқори даражада шаффофлигига эришиш, шунингдек жойлардаги барча давлат ва маҳаллий ҳокимият органларида доимий профилактик ишларни амалга оширишни назарда тутди.

Бунда айнан ҳуқуқий воситалар коррупцияга қарши курашда реал амалий ёрдам кўрсатиши мумкин. Қонунлар фуқаролик жамияти институтлари ва аҳолининг давлат органлари фаолиятини назорат қилиш бўйича ишнинг фаоллаштириш орқали кенг кўламли коррупцияга қарши курашда иштирок этиш имконини беради.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган сиёсатнинг методологик асоси Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» номи фундаментал асарида ўз аксини топган. Мазкур асарда коррупция ва жиноятчилик миллий хавфсизликка таҳдид сифатида талқин этилиб, коррупцияга қарши кураш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати ва давлат органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлиги қайд этилган. Асарда таъкидланишича, жамиятда жиноий «хуфиёна иқтисодиёт»нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирга тушиб қолади. Коррупция вужудга келгач, энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададдор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлидан дадил бораётган мамлакатимизда коррупцияни вужудга келтирадиган шарт-шароитларни бартараф этиш ва унинг турли шакллари пайдо бўлиши ва ёйилишига имкон берадиган омиллар таъсирини чеклашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилиб, қонун билан мустаҳкамланган аксил-коррупциявий сиёсат олиб берилмоқда. Бунда давлатнинг ҳал қилувчи функцияларини имкон қадар камайтириш борасидаги вазифалар тизимли равишда ўз ечимини топмоқда. Давлатнинг

иқтисодиётга аралашувини стратегик ва иқтисодий нуқтаи назардан асосланган даражага-ча қисқартириш чоралари кўрилмоқда.

Мустақиллик йилларида коррупцияга қарши кураш, давлат ва бошқа органлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, коррупцияга қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид норматив-ҳуқуқий базани яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоясини кучайтириш, жиноий сиёсатни либераллаштириш ва судловни такомиллаштириш бўйича катта аҳамиятга молик ишлар бажарилди. Ўзбекистон МДҲга аъзо мамлакатлар ичида биринчилардан бўлиб «Жиноий йўллар билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Мутахассис Арнольд Хайденхаймер «Сиёсий коррупция» асарида ёзганидек: «Бу атаманинг тарихида турли-туман маъно ва мазмунлар кўплаб учрайди». Сиёсатшунослар, иқтисодчилар ва файласуфлар бу ҳодисани бойлик ёки ҳокимиятга ноқонуний воситалар билан эришиш деб баҳолайди.

Сиёсий коррупциянинг олдини олиш учун сиёсий партияларнинг муҳим давлат масалаларини ҳал қилишдаги иштирокини сезиларли даражада кучайтириш, сайлов тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш тўғрисида қонунчилик актларининг қабул қилиниши бу борада муҳим қадам бўлди. 2014 йил 29 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов бунинг яққол далилидир. Сайлов жараёнларини кузатишда иштирок этган 70 мингдан ортиқ мамлакатимиз, 340 дан ортиқ хорижий кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари мутлақ кўпчиликнинг фикрига кўра, сайловлар очиқлик шароитида, халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига тўла риоя этилган ҳолда ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу сайлов халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганлигини, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтлари нуфузининг янада кўтарилганлигини намоён этди.

Коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни йўқотиш имконини берувчи иқтисодий ўсиш, жумладан иқтисоднинг ривожланиши учун ҳуқуқий майдон барпо этишга имкон қадар қулай шароит яратиш, мамлакат иқтисодиёти тузилишини тубдан ўзгартириш, модернизация ва диверсификация жараёнлари

изчил давом эттирилмоқда. Шу орқали хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш бўйича иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, республика-мизда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш осон кечгани йўқ. Ўрта мулкдорлар синфи ҳам давлат томонидан олиб борилган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатининг изчил амалга оширилиши эвазига, ҳам кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланишининг рағбатлантирилиши, қимматбаҳо қоғозлар бозорининг яратилиши ҳисобига шаклланди.

Республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони стратегик қадам бўлди.

Коррупцияга қарши курашнинг қудратли курали фуқароларни коррупциянинг ҳар қандай кўринишига нафрат ва қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат. Қўйилган вазифаларни самарали ижро этиш мақсадида 1997 йилнинг 29 августидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича Миллий дастур қабул қилинган ва у ҳозир жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Республикада мухолатларни кўриб чиқиш жараёнини қатъий тартибга солувчи ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайдиган ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳаракатлар ҳамда қарорлар устидан судга шикоят қилиш тартибини назарда тутувчи қонунчилик базаси яратилди. 2014 йилнинг 4 декабридан кучга кирган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мухолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бу соҳада қўйилган муҳим қадам бўлди. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Қасаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва қафолатлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг қафолатлари тўғрисида»ги, «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонунлар ҳам улкан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди.

2008 йил 7 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилиши тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги курашнинг буткул янги босқичини бошлаб берди. Бундан ташқари, 2009 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасига қўшилди.

2010 йил 12 ноябрда Юртбошимиз томонидан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» илгари сурилди. Унда бу борадаги устувор йўналишлар аниқ белгилаб берилган эди. Президентимиз Ислам Каримов 2015 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида «Олий Мажлис томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, ҳеч шубҳасиз, бизнинг эртанги кунимизни белгилаб берадиган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислохотларимизнинг Стратегик дастурига айланди... Мазкур Концепцияга мувофиқ, 2011 йилда ва 2014 йилда Конституциямизга киритилган тузатишлар, давлат қурилиши соҳасида қабул қилинган бошқа қатор қонунчилик ҳужжатлари давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, мамлакат ҳуқуқати ваколатларини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатларни мувозанати механизмларини янада ривожлантириш ва оптималлаштиришни таъминлади», деб таъкидлаган эди.

Мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан коррупциявий характерга эга ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор коррупцияни юзага келтирувчи шароитларни аниқлаш ва бартараф қилиш ҳамда қўйилаётган чоралар учун давлат органлари жавобгарлигини оширишга қаратилмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан ички ишлар идоралари коррупцияга қарши курашда қўйидаги тамойилларга асосландилар:

► коррупциянинг олдини олиш чоралари ва коррупцияга қарши курашда маънавий-ахлоқий асосда ёндашишнинг устуворлиги;

► бошқарув аппаратининг оптимал миқдорини сақлаб туриш;

► коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг юқори даражада ижтимоий хавфли эканлигини тан олиш ва ушбу иллатнинг оқибатларини англашга интилиш;

► Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартно-

маларда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, жавобгарликни чеклайдиган ёки тегишли шахсларни жавобгарликка тортишни мураккаблаштирувчи имтиёз ва устунликларни ўрнатишга йўл қўймаслик;

► содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррар эканлиги.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, чунончи ички ишлар идораларининг коррупцияга қарши самарали курашишга оид чора-тадбирларга қўйидагилар кирди:

► аксилкоррупциявий таълим ва тарбия ишлари самарадорлигини ошириш;

► Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳуқуқий ҳужжатларини аксилкоррупциявий экспертизадан ўтказиш;

► коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг алоҳида кўринишларини мониторинг қилиш;

► хизматга қабул қилинаётган шахсларга юқори маънавий-ахлоқий ва касбий талабларни қўйиш;

► ўз мажбуриятларини узоқ муддат нуқсонсиз бажариб келаятган, хизмат бурчини ҳалол ва садоқат билан адо этаётган ходимларни мунтазам рағбатлантириб бориш ишларини давом эттириш;

► жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органлари фаолиятини янада яхшилашга эришиш;

► коррупцияга қарши кураш масалаларида ички ишлар идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, коррупциявий йўналишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш умумхалқ иши. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан ички ишлар идоралари коррупцияга қарши курашнинг асосий субъектлари ҳисобланадилар. Бу борада амалга оширилиши керак бўлган асосий вазифалар қўйидагилардан иборат:

► ҳуқуққа зид мақсадларни кўзлайдиган шахсларнинг ички ишлар органларига кириб қолишларининг олдини олиш;

► ички ишлар идоралари ходимлари ва уларнинг яқинларини хизмат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда ҳаётига, соғлиғига, мулкига қарши ноқонуний тажовузлардан давлат ҳимоясини янада такомиллаштириш чораларини кўриш;

► ички ишлар органлари ходимлари томонидан жиноятлар содир этилишига ёрдам берадиган сабаблар ва шароитларни камайтириш.

Коррупцияга қарши курашиш инсондан нафақат ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, сиёсий онг, сиёсий маданиятни, шунингдек, маънавий савия, юксак маънавият ва энг муҳими, мустаҳкам иродани талаб этади.

**Шариф ҚОБИЛОВ,**  
**ИИБ Академияси доценти,**  
**полковник.**



Мутахассис маслаҳати

# СУЗИШНИНГ ВА ЗАРАРЛИ ФОЙДАЛИ ТОМОНЛАРИ

**Инсон табиати ўзига хос – ёз келса қишни, қишда эса ёзни қўмсаб яшайди. Албатта, баҳор ўтиб ёз келганида эгнимиздаги кийимларнинг ҳам ихчам ва қулай бўлгани ҳаммага бирдай хуш кайфият бағишлайди.**

Ёзда олисдаги яқинларни кўриш, сафарларга чиқиш, айниқса, табиат қўйнида дам олиш ҳам инсонда руҳий ҳамда жисмоний қувватнинг ошишини таъминлайди. Ёзни соғиниш туйғуси болаларда айниқса, кучли бўлади. Зеро, бу фаслда улар таътилга чиққач, копток ўйнаш, кураш тушиш, сувда чўмилиш каби бир қатор сеvimли ўйинларга вақтини сарфлайди, барчасидан олам-олам завқ олади.

Дарвоқе, бу ўйинлар болаларга хурсандчилик улашиш билан бир қаторда туганмас саломатлик бағишлашини ҳамма билса керак. Биргина сувда чўмилиш, офтобда товланишни оладиган бўлсак, бу улғаяётган мурғак тананинг табиат ҳодисаларига, яъни жазирама иссиқ ва қаҳратон совуққа чидамли бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, болажонларнинг сувда сузиши уларнинг саломатлиги учун жуда фойдали бўлиб, жисмонан кучли, кўркем бўлиб ўсишида муҳим аҳамиятга эга.

Сузиш – бола организмни чиниктиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, бу жараён табиий омиллар – сув, ҳаво ва қуёш нурлари остида кечади. Шунинг учун ҳам ёзда сув ҳавзалари атрофи одамлар билан гавжумлашади. Шунинг унутмаслик керакки, сувда чўмилиш ва сузишнинг ҳам ўзига яраша қоидалари бор. Уларни барча билиши зарур.



Мутахассислар сузиш тўғрисида, аввало, инсон иммунитетини мустаҳкамлашни, шамоллаш, яллиғланиш каби хасталикларнинг олди олинишини таъкидлайди. Шунингдек, гавда тўғри шаклланади. Модда алмашинуви, уйку ва иштаҳа яхшиланади. Асаб, нафас ва юрак қон-томир тизими, таянч-ҳаракат аъзолари фаолияти ижобий томонга ўзгаради. Ясси оёқликнинг олди олинади ва болада ирода, сабртоқат хислатлари шаклланади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, кимёвий усул билан тозаланган сувда чўмилишда аллергияга мойил ёки териси қуруқ болаларда аллергия дерматит пайдо бўлиш хавфи мавжуд. Бундан ташқари, сузиш болада қулоқ ва тиш оғриғи, тумов, бурун оқиши каби касалликларни кўзгаши ҳам мумкин. Шу боис сузишга қатнашаётган болада бу аломатлар сезилса, машғулоти вақтинча тўхтатиш лозим. Касалликдан бутунлай фориғ бўлгандан сўнг камида икки ҳафта



сувга тушмаслик талаб этилади. Шундан кейин ҳам сувда 20 дақиқадан ортиқ сузмаслиги керак.

Туғма юрак хасталиги борларга сувда сузиш тақиқланади. Тери касалликларига чалинган, ўткир вирусли инфекция билан зарарланган, очик яраси мавжуд, тиришиш (судороги) синдромига ва тана ҳарорати кўтарилишига мойил инсонларнинг ҳам сувда сузиши мумкин эмас. Сузиш вақтида тананинг совиб қолиши тез-тез учраб турадиган ҳолат. Бунга, айниқса, саломатлигида муаммоси бор кишилар жиддий эътибор бериши керак. Денгиз суви танани чучук сувга нисбатан кўпроқ совитиб юборади. Натижада гарчи, қуёш чарақлаб, жазирама иссиқ бўлишига қарамай, кишини титроқ босади. Бундай пайтда қўл-оёқлар билан фаол ҳаракатланиш ва баданда майда-майда хуснбузар (қаттиқ совуқ таъсирида) пайдо бўлгунча сувда қолмаслик талаб этилади. Сувдан чиққач эса қуруқ ва тоза сочидан артиниб, вақтинча бўлса-да, кийиниб олиш зарур.

Сув ҳавзасига келиб ўзингизни дарҳол сувга ташламанг. Бу томирларнинг қисилишига олиб келади. Организмни 10-15 дақиқача вақт мобайнида сувга кўнктириб, сўнг

оҳиста сувга кириб сузишни бошланг. Ҳаво ҳарорати 23 даражадан паст бўлган вақтда очик жойда чўмилманг. Нотаниш жойларга ҳеч қачон шўнгиманг ва калла ташламанг. Сувнинг тубида ҳар қандай жисм ёки ҳашаротлар танангизга жароҳат етказиб қўйиши мумкин. Овқатланиш ва сузиш даври оралиғига эътибор қаратинг. Бир вақтнинг ўзида ҳам чўмилиш, ҳам тамадди қилиш қатъиян тақиқланади. Қуёшда узоқ товлангандан кейин ҳам сувга тушиш ёки сакраш тавсия этилмайди. Бу мускулларни қисқартириб юрак фаолиятининг тўхташига олиб келиши мумкин. Нафас йўлларига кириб қолган сувдан қутулиш учун бошни баланд кўтариб, қаттиқ йўталиб олиш зарур.

Маълумки, ҳар бир сузиш ҳавзаси маъмурияти болаларни машғулотларга қабул қилишдан аввал улардан соғлиғи ҳақида маълумотнома талаб қилади. Ушбу маълумотномаларга, албатта, фарзандларингизнинг машғулотга қатнашиши давридаги ҳолати тўлиқ ёзилишига аҳамият беришингизни сўрардик. Акс ҳолда, сузиш болангизга фойдадан кўра, зарар етказиши мумкин.

Дилором ЭРГАШЕВА,  
ИИБ Марказий поликлиникаси  
шифокори.

**Халқ ҳокимиятчилиги ва давлат бошқарувида ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти қуришнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади.**

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтига конституциявий-ҳуқуқий мақом берилиши юртимизда мазкур назорат турини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Хусусан, 2014 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, Бош Қомусимизнинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишнинг асосий шакллари билан бири сифатида давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш белгилаб берилди. Шунингдек, Конституциямиз-

да давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланиши кўзда тутилди.

Жамоатчилик назорати асосий конституциявий таъминлардан бири – халқ ҳокимиятчилиги таъминли, шунингдек фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишини таъминлашнинг муҳим шартидир. Жамоатчилик назорати демократия ва халқ ҳокимиятчилигининг муҳим институти ҳисобланиб, у давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу назорат бошқа назорат турларидан қуйидаги

жиҳатлари билан ажралиб туради:

● **биринчидан**, мазкур назорат тури фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилади.

● **иккинчидан**, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари

## ҚОНУНЧИЛИК ТАРҒИБОТИ

да иштирок этишини таъминлаш, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг изчил механизмларини яратиш, жамоатчилик назорати функцияларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижро этувчи ҳокимият

қўйилиши ушбу муҳим демократик институтнинг амал қилиши, ривожланиши учун муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажарди.

Мамлакатимизда жамоатчилик назоратининг шакл ва усулларини такомиллаштириш жараёни умумжаҳон илғор тенденцияларига ҳамроҳан ҳолда узлуксиз ва изчил ри-

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ

ва қонуний манфаатлари муҳофазасини таъминлайди.

● **учинчидан**, ушбу назоратнинг асосий объекти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳисобланади.

● **тўртинчидан**, ўзида фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари манфаатларини уйғунлаштиради, жамоатчилик фикри ва кучига таянади.

Шу мақсадда, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқариш-

фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмлари шакллантирилди. Хусусан, жамоатчилик назоратининг ўзига хос жиҳатлари ва амалга ошириш механизмлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бир қатор қонун ҳужжатларида ўз аксини топди. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъул эканлиги белгилаб

вожланмоқда. Жумладан, 2013 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг муҳим шакллари белгилаб қўйилди. Ушбу қонунлар орқали атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг

# ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ...

**Б**ир танишим бор. Камтар, камсуқум аёл. Катта давраларда унинг гапирганини эслай олмайман. Айни мана шу одатлари сабаб кўпчилик орасида ажралиб қолади. Ўзига бино қўйган, манманлар эса уни назарга илмайди. Лекин бу аёл билан дилдан гаплашганимизда, кўплаб орзулари ва мақсадлари ўзига хос фикри, дунёқараш борлигини биласиз. Яхшигина иқтидори ҳам бор. Бироқ буни биров билади, бошқаси эса йўқ. Бир куни шу аёл билан анча суҳбатлашиб қолдик. Мактабда энг аълочи, намунали ўқувчи бўлганини, олий ўқув юртига кира олмагач, одамлар гап қилади, деб кўчага чиқмай қўйгани, бора-бора жамиятдан айрилиб қолганини афсус билан гапириб берди. Бундан хулоса шуки, ҳаёт туртиганда йиқилмаслик, йиқитганда эса ўриндан тура олиш керак экан.

Киши биров мақсадни олдиға қўяр экан, кўпинча: «Мен шу ишни қилсам, атрофимдагилар нима дейишаркин?» деб ўйлайди, яқинларидан маслаҳат сўрайди. Маслаҳат бергучи оққўнги, самимий инсон бўлса, уни қўллаб-қувватлайди, ҳеч бўлмаганда яхши гап билан унга далда бўлади. Лекин ғийбатчи, дилозор, ҳасадгўй, мақсадингиздан қайтариниш учун ҳар қандай пасткашликка ҳам тайёр инсонлар ҳам бор. Кишининг ортидан гапирувчилар илгари ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади. Шундай экан энг яхшиси, тажрибага таяниб, юракка қулоқ тутишдир.

Ҳаёт синовлардан, турли тўсиқлару қийинчиликлардан иборат. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Зеро, йўлида учраган машаққатларни енгиб ўтганларнинг юзи ёруғ бўлади. Синовлардан қандай ўтганига қараб атрофдагиларнинг унга нисбатан ҳурмати, фикри шаклланади. Киши ўзи кўзлаган маррага биринчи уринишда чиқа олмадимми, демак, яна ҳаракат

қилиши лозим. «Мен бу ишни бажара олмадим, демак, қўлимдан келмас экан» деган фикрга бориш инсон руҳидаги таназулнинг бошланиши бўлади. Доно халқимиз «Кўз кўрқоқ, қўл ботир», деганда қийин ва мураккаб бўлиб кўринган вазифаларни бажаришдан чўчимасликка, қатъият билан киришилса, ҳар қандай мураккаб юмушнинг ҳам уддасидан чиқиш мумкинлигига ишора қилган.

Аτροφимиздаги инсонларнинг аксарияти ютуғингиздан қувонса, баъзилари ҳасад қилади. Бирор режангиз амалга ошмай қолса, куладиган, «Нимангга ишониб бу ишга қўл ургандинг? Ахир, бу сенинг қўлингдан келмайди-ку!» дейди-ганлар ҳам, афсуски, топилади.

Чунки ҳаёт азалдан эзгулик ва ёвузлик курашидан иборатдир. Ҳатто қадимги тош битикларда ҳам бу ҳақда ёзиб қолдирилган. Бировларнинг ютуғини кўролмайдиган кимсаларни донишмандларимиз гуруч орасидаги курмакка қиёс қилишган. Биламизки, гуручни ишлатишдан олдин тозалаймиз. Демак, вақти-соати етганида, орамиздаги бундай кимсаларни ҳаёт ўзани ўз оқимига олиб кетади. Улар билан жанжаллашиш, санманга бориш, талашиш эса олтиндан-да қиммат вақтимизни беҳуда совуришга тенг.

Маҳалладошларимиз, ҳамкасбларимиз, танишларимиз орасида ҳамма бирдек ҳурмат қиладиган, ҳавас қиладиган инсонлар, албатта, топилади. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўлини таҳлил қилсангиз, ҳаммаша ҳақиқатнинг юзига тик қараганига, қўлидан келган ёрда-

мини ўзгалардан дариг тутмаганига гувоҳ бўласиз. Кексалигида ёлғизланиб қолган, борган давралари тарқаб кетадиган одамларнинг ўтмишига назар солсангиз, улар вақтида ўз манфаати учун турли ғаламисликларга, ёмон ишларга қўл уришганига, баъзилари эса ҳатто фарзандига ҳам меҳр кўрсатмаганига амин бўласиз. Яна шундай тоифа инсонлар борки, «Мен бир вақтлар фалончига шундай яхшилик қилгандим, шунинг учун ҳам бугун шу даражага етишди. Бунга мен сабабман», дея миннат қилиб юришади. Эътибор қилсангиз, бундай инсон борган даврадаги кўр бирдан совийди, ўтирганлар биров баҳона билан кетиш пайига тушишади.

Бир курсдошим бўларди, ўқиш бора-сида ҳам, бошқа масалаларда ҳам ҳаммаша бошқалардан бир поғона баланд туришга интилар, ҳамманинг эътиборида бўлишни истарди. Баҳо учун доимо талашиб-тортишар, нега фалончининг баҳоси меникидан юқори дея ичиқоралик қиларди.

Навбатдаги сессия вақтида унинг бу қилиғини ёқтирмаган бир домламиз аслида аълочи бўлган курсдошимизнинг ҳам баҳосини пасайтириб, иккаласига бир хил балл қўйди. Аслида баҳоси юқори бўлган курсдошимиз ич-ичидан оғринди, аммо сиртига чиқармади, индамай қўяқолди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, шуҳратпараст курсдошимиз қаттиқ оғриб қолди. Шунда ҳаммамиздан ҳам кўпроқ баҳоси пасайтириб қўйилган тенгдошимиз унга қайғурди, меҳрибонлик қилди. Ҳасадгўй курсдошимиз соғайиб касалхонадан чиққач, яхши томонга ўзгарди. Меҳр-оқибат унга сабоқ берган эди.

Баъзида шундай инсонларни учратамизки, улар писмадончи менга шундай ёмонлик қилган эди, шунинг учун ишим юришмаяпти, ҳаммасига у айбдор, дейди. Яъни ўринли танқид қилган, чора кўрган раҳбарларига, ҳамкасбларига нисбатан ичида кек сақлаб юради ва имкон топилганида, албатта уларга бирор ёмонлик қилишни истайди. Агар ҳеч бунинг имкони бўлмаса, унинг қайғусидан хурсанд бўлади. Бир пайтлар кўнглимни оғритгани учун энди жазосини олаяпти, деган фикрда бўлади.

Муқаддас китобларимизда ҳаттоки чумолига ҳам озор етказмаслик кераклиги ёзилган. Алишер Навоий ҳазратлари бир мискиннинг кўнглини шод қилишни вайрон бўлган Каъбани обод қилиш билан тенг деганлар. Бироқ орамиздаги ҳасадгўй, ичиқора кимсалар буни тамоман унутишган. Ёки билишса ҳам амал қилишмайди. Кўпни кўрган, юзларидан нур ёғилиб турадиган нуроний кўшнимиз бор. Маҳалла аҳли турли масалаларда шу отахон билан маслаҳатлашади, унинг фикрини билишга қизиқишади. Мен ҳам ҳасадгўй, ичиқора, бошқага ёмонлик қилмаса туролмайдиган инсонларнинг бундай бўлишига нима сабаб деб сўраганимизда: «Ёмонлик ҳам гиёҳвандликка ўхшайди, уям бир касаллик. Ҳасадгўйликни, ичиқораликни фақат меҳр билан, шафқат билан даволаш мумкин. Балки, ўша инсонга болалигида кимдир ёмонлик қилгани, меҳр кўрсатмагани учун шундай кўйга тушгандир. Шунинг учун сиз унга яхшилик қилинг, меҳр кўрсатинг, бу ҳаммамизнинг инсонийлик бурчимиз», дедилар насихатомуз оҳангда.

**Гули Нигор АБАЗОВА.**

роли ва ўрни мустақамланди. «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, фуқароларнинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқ, ваколат ва мажбуриятлари, жамоатчилик томонидан экологик назоратни амалга ошириш тартиби, шакллари ва усуллари, унинг натижаларини расмийлашти-

бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги ва «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтиришга, имкон беради. Шунингдек, жамоат-

дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, битимлар ҳамда шартномалар, шунингдек бошқа қўшма ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишига хизмат қилди.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда демократик ислохотлар жараёни ва фуқаролик жамияти шаклланишининг ҳозирги ҳолати жамоатчилик назорати институтини давлат

қаруви органлари фаолияти устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмини яратиши билан аҳамиятли бўлади. Мазкур қонунда жамоатчилик назорати турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предмети, уни амалга ошириш механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларининг белгилаб қўйилиши, албатта, жамоат назорати шакллари амалиётга янада самарали татбиқ этиш имкониятини яратди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда шаклланаётган жамоатчилик назорати амалиёти тараққиётнинг «Ўзбек модели» хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибасига таянишни ҳам эътироф этиш лозим. Хусусан, хорижий давлатлар амалиёти ушбу назорат турининг жамоатчилик эшитиши, ижтимоий аҳамиятга эга меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, жамоатчи-

лик олдида ҳисобдорлик каби турли шакллари ҳам амалда кенг қўлланиб келинаётганлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мамлакатимизда жамоатчилик назорати тўғрисидаги яхлит ва тизимли қонуннинг қисқа фурсатлар ичида қабул қилиниши ушбу назорат турининг мавжуд шакллари янада такомиллаштириш ва янги замонавий шакллари миллий амалиётга жорий этишга, уларни янада ривожлантиришга, бу борадаги камчиликларни ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда юзага келадиган ҳуқуқий эҳтиёжларни аниқлашга, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг самарадорлигини оширишга, энг муҳими, бевосита фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш механизмнинг янада такомиллашувига хизмат қилади.

**Шероз ХАБИЛЖОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари  
мониторинги институти  
етакчи илмий ходими.

## МУҲИМ ОМИЛИ

риш ва рўёбга чиқариш тартиби аниқ-равшан белгилаб берилди. Шунингдек, жамоатчилик назоратининг янги шакли – экологик назоратнинг жамоатчи инспектори институти қонун даражасида белгилаб берилди. Келгусида ушбу институтларнинг қонун ости ҳужжатларида янада батафсил аниқлаштирилиши зарурияти мавжуд бўлиб, бу уларнинг фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, 2014 йилда «Давлат ҳокимияти ва

чиликни давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида хабардор қилишга, мамлакатимизни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилишга доир вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳамда аҳамиятини оширишга шароит яратди. Бундан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

ва жамият ўртасидаги ўзаро самарали мулоқот сифатидаги самарадорлигини янада оширишни тақозо этади. Ана шу мақсадда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши заруриятини келтириб чиқармоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бош-

## Мутулаа

**Ч**ойхонани бекитиб қайтаётган Қаландар ака овчи ўртоғи Ҳошим аканинг чорбоғи ёнидан ўтаётди, унинг баланд дарвозаси қия очик эканини кўрди ва якка кифт бўлиб ичкарига кирди. Оёқ учидла юриб, супага яқин борди. Уй муолишидан мўралаган эди, олдиғинасида, супурги ёнида гужанак бўлиб ётган кўк жунли кучукни кўрди. Кўрди-ю, унинг бўйнидан бўғиб ушлаб, қўйнига солди. Яна якка кифт бўлиб, дарвозадан чиқди ва музлаб қота бошлаган кўчадан жадаллаб кетди. Йўлда кучукнинг бўйнини бўшатиб, чопонининг барига ўраб олди. Уйга келиб:

— Охири қўлга туширдим, — деди хотинига. Бағридан олиб, пахмоқ, қора пўстак устига қўйди. Кучук бола жавдираб атрофга қаради-да, югуриб тунука печнинг орқасига ўтди.

— Чиройли-а? — деди Салқин опа.

— Сурлон итнинг боласи, — деди Қаландар ака.

— Ошнангиз билиб қолса, опкетмайдими?

— Бермайман. Бу кучукваччангга ишқим тушган, деб юрардим. Бермайман.

— Думи кесилмаган-ку-а?

— Шуниси яхши. Чўлтоқ итдан хунуги борми?

— Оти нима?

— Ўзимиз қўямиз-да отини. Ана, Кўкбой бўла қолсин. Қорабой, Оқбой дейдилар-ку. Бу — кўк.

Қаландар ака печнинг устидан эгилиб, икки қўлини икки томондан кучукчага яқинлаштиради. Кучукча тишларини иржайтириб, бурчакка тикилганди, бўйнидан шаппа ушлаб кўтарди-да, пўстакка ўтириб, тиззалари орқасига қўйди. Дастурхондан бир бурда нон олиб, унга тутди. Кучукча оғзини очмади. Қаландар ака бир чакмоқ қанд олди.

— Бунни е, бўлмасам.

— Кўйинг, ит ҳам қанд ейдими? — деди Салқин опа.

— Ейди, — деди Қаландар ака ва Кўкбойнинг тумшуги ёнидан қисиб, оғзини очиди, қандни тикиб юборди. Кучук бола қиҳ-қиҳ йўталиб қолди. Зум ўтгач, бошини ёнига буриб, қандни қисирлатиб тишлади. Қанд уваланиб икки бўлакчаси пўстакка тушди. Кўкбой шоша-пиша оғзидагини чайнаб ютди.

— Айтмадимми, — деди Қаландар ака.

— Балодай еди, — деди Салқин опа.

Кучук бола пўстакдаги қанд ушоқларини ҳам қил-пили билан еб, лабларини ялади.

— Энди отбой! — деди Қаландар ака ва Кўкбойни қорнидан кўтариб, айвонга чиқди. Ўчоққа солиб, оғзини тос билан бекитди. Тос орқасига тут тўнқасини тираб қўйди. Уйга кирди.

— Совқотмайдими? — деди хотини.

— Ҳозирдан кўниккани яхши, — деди Қаландар ака ва отасининг хонасига ўтди.

Кучук бола илиқ кулга юмшоқ панжаларини босиб, ўчоқнинг бурчагига борди ва чўнқайиб ўтирди. Деразда чироқ ўчди. Ўчоқ орқасига тутиб қўйилган каноп қоп шамолда патир-путур қила бош-

лади. Кўкбой лабларини ялаб ёнбошлади-да, пахмоқ думи билан орқа оёқлари орасига тумшугини тикди.

...Орадан уч йил ўтиб, кучук бола жуда бўлимли ит бўлди. Эгаси билан бир неча бор овга бориб, уни хурсанд қилди. Мукофотига ҳовуч-ҳовуч қанд олди. У занжир кўрмай ўсганидан одамларга ёмон кўз билан қарамасди. Қаландар акани эрталаб дарвозада кузатар, кечаси у кишининг қайтиш вақти бўлганда, чойхона олдида ҳозир бўларди. Уни бутун қишлоқ танирди: кўчада думи узун, қулоқлари қалин жун орқасига яшириниб кетган, оёқлари ингичка кўк итнинг пайдо бўлганини кўришса, тўхтаб уни томоша қилишар, мақташар эди.

Қиш кунларининг бирида Қаландар ака Кўкбойни эргаштириб, тонг қоронғисига овга кетди. Чошгоҳларда

кириб гойиб бўлишди. Овчи тўхтади. Атрофга қаради. Қаерга келиб қолганини билмоқчи бўлди — билолмади. Орқасидаги дўнгликка кўзи тушди-ю, «шунинг устига чиқиб қарайман», деб ўйлади. Қадам босган эди, белидаги какликлар оғирлашиб кетганини сезди. Бир неча одим юргач, шунча юкни кўтариб бу ергача қандай чопиб келганига ҳайрон бўлди. Шунда оёғи қалтираётганини сезди. Дўнгликни кўриб турган арчага қараб юрди. Арчага етгач, белбоғини ечиб, қорга қўйди. Ёнидан пичоғини олиб, чўққайиб ўтирди-да, какликларнинг ичини ёриб, ичак-чавоғини чиқариб ташлай бошлади. Кўкбой хурпайиб, ейишга тушди, сўнгра тўйиб, чўзилиб ётди. Овчи ҳамон каклик тозаларди. Ниҳоят, Қаландар ака какликларни санади. Йигирма олтига эди.

эгасига қаради. Яна уни тортқилашга тушди. Эгаси кўзгалмас, лекин унинг бурни тегиб турган қор аста-секин сарғайиб борарди. Ниҳоят, ит унинг оёқ томонига ўтиб, чўзилиб ётди.

Кўёшнинг қаерда эканини билиб бўлмасан-да, ит кеч бўлганини сезди. Улар ҳаммаша қоронғига қолмай, уйга етиб боришарди. Кўкбой туриб, яна овчининг атрофида айланди ва яна тортқилашга тушди. Овчи қимирламагач, унинг этагидан тишлаб олдинга, орқасига тисланиб судрай бошлади. Боя ўзлари қолдириб ўтган изларга етиб тўхтади. Тагин эгасини айланиб вововлади, хурди. Эгаси миқ этмай ётар, унинг бўйинларига қор кирган, телпаги йўлда тушиб қолган эди. Кўкбой овчини яна судрашга тушди. Дўнгликка олиб чиқди-да, кўзларига қон тепиб, атрофга

қишлоқ кўчаларидан учиб ўтди. Қирга ўрлади. Энди у боягидан ҳам зўр шиддат билан учиб борар, унинг афсоналардагина куйланган итлик табиати бир хавфни сезган эди.

Дарҳақиқат, таниш дўнгликка чиқиб бораркан, қордаги қорайиб ётган жасад ёнида бир-бири билан талашётган иккита кулранг ҳамжинсини кўрди. Отилиб бориб, уларга ўзини урди. Бундай бўлишини кутмаган бўриллар икки тарафга қараб қочди. Лекин ўттиз қадамча нарига бориб тўхтади. Ит овчини гир айланиб ҳидлади ва шаҳд билан бўрилларнинг бирига отилди. Кўкбой бу хил ҳамжинси билан бўладиган учрашув икки томондан бирининг ўлими билан тамом бўлишини яхши биларди. Унинг елкасига сапчиб, бўйнига оғиз солди. Сафдоши билан ўлжа талашиб уришариша ҳолдан тойган бўри қорга ётиб қолди. Кўкбой унинг кекирдагини узиб ташлади. Сўнг бурила солиб, дўнга қараб чопди. Жасад устига келиб қолган иккинчи бўри тишларини тақиллатиб уни қарши олди. Лекин Кўкбой ҳозир тап тортадиган эмасди. У ашаддий йиртқичга айланган, кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Бориб кўкраги билан уни урди. Кўкбой бу рақибни ҳам чўзилтиргач, эгасининг ёнига чўнқайиб, бўри тишлаган ерларини ялади.

Тонг отиб, туман тарқалди. Дўнг пастига шовқин-сурон қилиб келаётган одамларнинг қораси кўринди. Кўкбой хуриб, думини ликиллатиб, овчини айланарди.

Қаландар акани кўтаришганда, у ўтириб олди. Аммо қулоқлари ва чаккасида оппоқ қор ёпишиб турар, унинг ҳам музлаб қотиб қолишига сал қолган эди. Уни чопонга солиб кўтаришди. Бўрилари ҳам судраб олиб кетишди. Овчининг хотини сочини юлиб йиғлар, чол «бўтам»лар эди.

Шу кунни туш маҳали марҳумни гўристонга элтиб кўмдилар. Одамлар йиғлади-сиқтади ва қишлоққа қайтишди. Гўрков ҳам, чол ҳам қайтди. Гўристонда фақат Кўкбой қолди. У гўрининг қошида узок чўнқайиб ўтирди, музлаган тупроқ уюмига бағрини бериб ётди, тумшугини олд оёқлари устига кўйди. Бирон кимса уни четдан кузатганда, малла кўзларидан ёш оқиб тушаётганини кўрарди.

Кечки пайт Салқин опа итни излаб келди. Ит ҳамон эрталабки алфозда ётарди. Опа ўкириб йиғлади ва итнинг бўйнидан кучоқлади. Ит пахмоқ думини қимирлатиб, аёлининг қўлини ялади. Салқин опа итнинг бўйнидан тортди, аммо ит кўзгалмади. Кесак билан урди, турмади. Унинг бағри гўрга ёпишиб қолганга ўхшарди. Опа яна йиғлади ва уйга қайтиб, нон билан бир ҳовуч оқ қанд олиб келиб, итнинг олдига қўйди. Ит уларга совуққина қаради-ю, аммо ҳидлаб ҳам кўрмади. Аёл тагин уни уйга олиб кетмоқчи бўлди. Ит тагин жилмади.

Кўкбой яна икки кун шу қўйи ётди. Учунчи кун одамлар унинг музлаб қолган жасадини кўрди.



Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

## КЎКБОЙ

Ҳикоя

Йўлбарс дарага рўпара бўлдилар. Бўйин жунлари хурпайган Кўкбой олдинда кетаётган эди, таққа тўхтаб, қорга беланган думини қуйруғи устида гажак қилди, бир нарсага ташланмоқчидай, бошини ичига тортиб, пасайди.

Пакана арча орқасидан чурқ-чурқ овоз келди ва даҳшат ичида чуриллаб бир каклик учди. Унинг изидан яна бир гала каклик кўтарилди. Улар дарадан чиқди. Қаландар ака ҳам изма-из кўтарилди. Какликлар қордан чиқиб турган янтоқлар оралаб кетишарди. Овчи ўқ бўшатди. Иккитаси қорни титиб қолди-ю, қолганлари нарироққа учиб бориб, яна қорга бота-бота кетаверди. Қаландар ака йиқилган какликларни сўйиб, белига осиб олди. Яна йўлга тушди. Яна ўқ бўшатди. Учтаси типирлаб қолди. Буларни ҳам олиб кўзгалган эди, қаёқдан бир гала каклик учиб келди-ю, олдиндагиларга қўшилди. Улар узокча учолмас, совқотган, музлаган қанотлари бунга имкон бермас эди. Аста-секин какликлар қизишиб, узокроққа уча бошладилар. Қаландар ака ҳам энди чопқиллаб борарди. Какликлар дўнглаш оша, жарлар оша уча бошлади. Қаландар аканинг кўзига какликдан бошқа нарса кўринмай қолди. Шу қўйи улар анча йўл босишди.

Ниҳоят, олдинда туман кўринди-ю, какликлар туманга

У ҳеч маҳал бунча каклик отмаган эди. Уларни белбоғидан популдай осилган ипларга қанотларидан боғлаб, ўрнидан кўзгалган эди, юз-тубан йиқилиб тушди. Оғиз-бурни қорга ботди. Ит чўчиб, кўзларини чақчайтирди. Овчи қорга қўлини тираб, бошини кўтарди. Қаддини кўтармоқчи эди, яна юзтубан тушди. Ит фингшиб, думини кўтарди. Туман буларнинг устидан босиб ўтиб кетди. Овчи яна бошини кўтарди ва узок йўл юргач бирдан чўнқайиб ўтиргани учун оёқларининг томири тортишиб қолганини пайқайди. Бир ёнбош бўлиб, тақимини уқалашга тушди. Лекин тордай таранг бўлиб қолган томир юмшамасди. Шунда овчининг кўзи бирдан тиниб кетди. Думалаб кетадигандай қорни чангаллади. Нафаси қисила бошлади. Овчи бунинг сабаби ҳақида ўйлолмас, бу узок йўл юриб, бирдан тўхташнинг оқибати эди. Овчи итнинг ҳураётганини эшитди-ю, лекин ит тескари бўлиб кўринди. Ичи ёниб борарди. У қорни ямлай-ямлай ўзидан кетди.

Кўкбой эгасининг теварагидан фингшир, хураб эди. Кейин унинг чопони баридан тортқилай бошлади. У эгасини ҳеч маҳал бундай ҳолда кўрмаган эди. Ниҳоят, овчининг бошида чўнқайиб ўтирди-да, тумшугини осмонга кўтариб ингичка увлади. Сўнг яланиб, яна

қаради. Шунда бирдан қоронғи тушиб қолганини сезди. Дўнглик этагига қараб ҳўл бурнини қимирлатди. Кейин овчини икки марта айланди ва дўнглик пастига отилиб тушиб кетди. Қоронғи туманда итнинг ўткир кўзлари ўзи босиб келган изларни яққол кўрар, у издан чиқмай, дўнгликлар, жарликлар оша учиб борарди. Димоғига қишлоқ ҳиди урилиб, баттар жадаллади. Қишлоқ кўчалари, деворларидан кўз илғамас тезликда ўтиб, таниш дарвоза ёнида тўхтади. Бўғиқ хурди. Ҳовлидан чолнинг овози эшитилди. Ит ортига тисланиб, деворга сапчиб ва томорқага ўтиб, айвонга чиқиб борди. Очик эшик олдида ҳассасига таяниб турган чол манглайи тагидан итга тикилиб илжайди, йўлга қаради. Йўлда ҳеч ким кўринмагач, яна итга боқди-да, унинг йиртқич важоҳатидан кўрқиб кетди. Ит фингшиб, супа тупроғини тирнаб пастга отди. Сўнг тумшугини осмонга чўзиб, ҳовлини бошига кўтариб увлади. Эшикда Салқин опа пайдо бўлди.

— Қизим, кўёвингга бир гап бўлган, — деди чол, — итнинг авзойи бузуқ.

Хотин отилиб чиқиб, олазарак бўлиб турган итнинг олдига борди. Ит ўқрайиб, уни тишламоқчидай вовуллади. Шунда ноҳос сергакланиб, кўзларини чайчақтирди-да, шарт бурилиб чопа кетди. У яна

Одам савдоси – оғир жиноят

# ТУТИНГАН ОПАНИНГ ОҚИБАТСИЗЛИГИ

**Б**ир қарашда ҳаммаси оддий тасодифдан бошлангандек туюлади. Аслида эса бундай эмас. Ҳакима 2010 йилнинг ноябрида кўчада қўшни қишлоқлик таниши Ўлмасхон опани учратиб қолди. Гапдан гап чиқиб, опа қизининг тақдиридан нолий кетди.

– Қизим бахтли-саодатли бўлсин деган ниятда унга Саодат деб от қўйган эдим, айланай. Аммо-лекин одамнинг толеи отига боғлиқ бўлмаскан-да. Битта ўғли билан эридан ажрашиб, уйимга келиб ўтирибди. Боласи қиз бўлса ҳам бошқа гап эди – вақти келиб, бўй етса ўраб-чирмаб бировга узатиб юборарди. Ўғил болани тарбиялаб, уйли-жойли қилишнинг ўзи бўлар эканми...

– Балки, эрига инсоф бериб, ярашиб кетишар...

– Вой, қаёқда дейсиз. Ҳеч кўзим етмайди-да.

Шу асно Ҳақиманинг хаёлига бир шумлик келди. Унинг бошқа қишлоқлик Насиба исмли тутунган синглиси бор эди. Яқинда Насиба турмуш курганига анча бўлса ҳам, ўртада фарзанд йўқлигидан ҳасрат қилганди. Болани унга пуллашни ўйлаб:

– Ўлмасхон опа, неварангизни ўзим ўғил қилиб олсам-чи. Ўзингиз биласиз – биттаю битта фарзандим бор. Уям бўлса қиз, эрта бир кун тенги чиқиб узатсам, ёлғиз қоламан, – деди.

– Қайдам, қизим кўнармикан...

– Кўндирасиз-да, унгаям ўғли бекаму кўст вояга етса яхши-ку.

Тўғри айтасиз.

Шундан сўнг Ҳакима «Темирни қизигида бос!» қабилида иш тутиб, эртаси куни акасининг машинасида Насибанинг уйига борди. Тутунган синглисига янгиликни айтди. Гап орасида боланинг онасига 400

ди. Сўнг чақалоқни олиб, хайр-хўшлашиб, изларига қайтишди. Йўл-йўлакай Насиба: «Нега «Ўлмасхон опага пулни бермадингиз?» деб сўраганида, Ҳакима: «Сенинг олдинда нокулай бўлди. Эрта-индин бериб кўяман», деди. Насиба кечаси тутунган опасиникида тунаб қолди. Эртаси куни Ҳакима билан акаси уни

қилиб қайтаришинг керак эди», деди. Насиба нима дейишни билмай қолди. Кейин «Фарзандли бўлишимга ёрдамлашдилар. Берган қарзлари кунимга яради. Майли, орттирганымда яна қурбим етганича пул берарман», деб кўнглига тугиб кўйди.

Шу тариқа ойлари кетидан йиллар ўтаверди.

2014 йилнинг март ойида бировдан Ҳакимага тагин 200 минг сўм бериб юборди. Энди қаримдан қутулдим деб ўйловди. Аммо янглишган экан. Орадан олти ойча ўтиб, Ҳакима акаси билан уйига кириб келди. Худди осмондан тараша тушгандай: «Менга бир миллион сўм топиб берасан. Олган қарзинг фоизлари билан шунча бўлди», деди. Шу пайт ичкаридан Насибанинг асраб олган ўғли чиқиб қолди. Ҳакима шартта болани кўтариб олиб: «Қачон қарзингни тўласанг, болангни қайтариб берман», деб ташқарига йўналди. Насиба: «Боламни ташлаб кетинг. Айтган пулингизни кейинроқ топиб берман», деганича қолаверди.

Ноилож қолган Насиба эри билан маслаҳатлашиб, Самарқанд вилояти ИИБга

мурожаат этди. Акс ҳолда тутунган опасининг пули ўзидан кўпайиш хусусиятига эга эканлигини, қарздан ҳали бери қутула олмаслигини англаб етган эди. Шундан сўнг ўтказилган махсус тадбир чоғида одам савдоси билан шуғуллангани етмаганидек, товламачилик йўлига ҳам ўтган ака-синглининг қилмиши фош этилди.

Суд жараёнида дастлаб улар айбларини тан олишмади. Фақат ашёвий далиллар тақдим қилинганда, суд муҳокамаси босқичидагина қилмишларига иқрор бўлишди. Айбдорлар турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар. Ҳакимага нисбатан икки йилу олти ой синов муддати белгиланди. Суд ҳукм чиқариш чоғида айбдорларнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, қарамоғларида фарзандлари борлигини, маҳалладан ижобий тавсифланганлигини ҳисобга олди. Шунингдек, уларнинг жазо муддати амнистия актига асосан учдан бирига қисқартирилди.

Тутунган опанинг оқибатсизлигига, қилмишига одамгарчилик нуқтаи назаридан баҳо бериш ўзингизга ҳавола. Биз эса айнан одамгарчилик нуқтаи назаридан воқеа иштирокчиларининг исмларини ўзгартирдик.

**Абдурашид АЛИШЕРОВ, ИИВ Тергов бош бошқармаси матбуот котибига, капитан. Бобомурод ТОШЕВ, журналист.**



минг сўм бериш кераклигини ҳам қистириб ўтди. Насиба эри билан маслаҳатлашиб, рози бўлди.

Хуллас, Ҳакима, акаси ва Насиба шу куниёқ Ўлмасхон опаникига йўл олишди. Опа аввалига «Бола энди 21 кунлик бўлди. Сал суяги қотганидан кейин оларсизлар», деди. Аммо Ҳакима «Ўзимиз катта қилиб оламиз. Бу ёғидан хавотир олманг» дегач, розилик бер-

машинада уйига ташлаб кетишди. Орадан 20 кун ўтиб, Ҳакима ундан чақалоқ учун яна 100 минг сўм олди.

2011 йилда Насибанинг эри чет элга ишлагани кетадиган бўлди. Йўл харажатларига Ҳақимадан 100 минг сўм қарз олиб туришди. Орадан беш ой ўтиб, Насиба қарзини қайтарди. Лекин Ҳакима «Мен сенга фоизга қарз берганман. Буни ҳозир 800 минг сўм

## ҚИДИРИЛМОҚДА

**Жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган қуйидаги шахслар Сирдарё вилояти Сардоба тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.**



**Мўхтабар Исломова ТОХИРОВА.** 1960 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Меҳнат кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми, 159-моддаси 3-қисми «б» банди, 223-моддаси 2-қисми «б» банди, 242-моддаси 2-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

\*\*\*

**Зарнигор Абдумурод қизи ПИРМАНОВА.** 1991 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Пахтакор кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми, 159-моддаси 3-қисми «б» банди, 223-моддаси 2-қисми «б» банди, 242-моддаси 2-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

\*\*\*

**Нигора Абдурашул қизи ОСТОНОВА.** 1991 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Пахтакор кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми, 159-моддаси 3-қисми «б» банди, 223-моддаси 2-қисми «б» банди, 242-моддаси 2-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Шахло Алимжоновна БУРХОНОВА.** 1987 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Фалак кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми, 159-моддаси 3-қисми «б» банди, 223-моддаси 2-қисми «б» банди, 242-моддаси 2-қисми ва 244/2-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

\*\*\*


**Фарход Жумабоевич АЛИШЕВ.** 1984 йилда туғилган. Сардоба тумани «Кўрғонтепа» қишлоқ фуқаролар йиғини Э. Ёдгоров кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этган.

\*\*\*

**Абдужаббор Гулмаатович СУВОНҚУЛОВ.** 1966 йилда туғилган. Сардоба тумани Баҳор қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми, 227-моддаси 2-қисми ва 228-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

\*\*\*

**Нодирахон Ахмудиловна ҲАЙИТОВА.** 1982 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Дўстлик кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



**Рисдавлет Сахилбекович УМАРОВ.** 1982 йилда туғилган. Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ тумани «Пахтачи» фермерлар уюшмаси Эгиз кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддаси 4-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

\*\*\*

**Дилшод Окбердиевич САФАРОВ.** 1988 йилда туғилган. Сардоба тумани Пахтаобод шаҳарчаси Халқобод кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этган.

\*\*\*

**Нарзилло Абдурашидович МИРЗАҚУЛОВ.** 1976 йилда туғилган. Сардоба тумани «Янгиқишлоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини Н. Жулматов кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддаси 4-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

\*\*\*

**Худоёр Бобоевич БЕРДИЁРОВ.** 1964 йилда туғилган. Жиззах вилояти Зафаробод тумани Мирзаобод қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.




**Алибек Аблаевич КАЙИРБЕКОВ.** 1964 йилда туғилган. Жанубий Қозоғистон вилояти Махтаарал тумани Садовой қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

\*\*\*



**Шомурот ҲАЗРАТКУЛОВ.** 1958 йилда туғилган. Туркменистон Республикаси Керкичи шаҳри Муаллимлар кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми «а» банди ва 276-моддаси 2-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

\*\*\*



**Аралбай Куралбаевич ТАШБЕКОВ.** 1967 йилда туғилган. Жиззах вилояти «Мустақиллик» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

\*\*\*

**Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалигини билганлардан Сирдарё вилояти Сардоба тумани ИИБга (0-367) 235-08-03 рақамли телефон орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

## МАРДЛИК ВА ШИЖОАТ БЕЛЛАШУВИ


Ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг навбатдаги чемпионати Фарғона шаҳрида ўтказилди. Мусобақаларда ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, Навоий конметаллургия комбинати ЁХТБ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЁХБ терма жамоалари иштирок этди.

Дастлаб чемпионатнинг 4x100 метрли ёнғин ўчирувчилар эстафетаси ўтказилди. Ушбу беллашувда Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларга Бухоро ҳамда Навоий вилояти ИИБ ЁХБ терма жамоалари сазовор бўлди. Бахсларнинг ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш

турида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ терма жамоаси бошқа рақибларидан ҳар томонлама чаққон эканлигини намойиш этди. Иккинчи ва учинчи ўринларга пойтахт вилояти ИИБ ЁХБ ҳамда Фарғона вилояти ИИБ ЁХБ вакиллари лойиқ деб топилди. Шахсий натижалар бўйича эса Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ терма жамоаси аъзоси Р. Рўзиев энг яхши натижага эришиб, биринчи ўринни эгаллади. Тошкент шаҳар терма жамоаси аъзолари Н. Холодов ва К. Бочаров иккинчи ҳамда учинчи ўринлар соҳибига айланишди.

Уч тирсақли сурилма нарвонда ўқув минорасининг 3-қаватига кўтарилиш бахслари натижаларига кўра, Навоий вилояти ИИБ ЁХБ терма жамоаси спортчилари А. Амонов ва Н. Раззоқов шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ терма жамоаси вакиллари Р. Ҳазратқулов ҳамда Р. Рўзиевга иккинчи, Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ терма жамоаси аъзоси З. Аҳмедов ва А. Тожибоевга эса учинчи ўрин насиб этди. Шундан сўнг иштирокчилар мусобақанинг юз метрга тўсиқлар оша югуриш тури бўйича ўзаро беллашдилар. Унда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Тошкент, иккинчи ўринни Навоий ва учинчи ўринни Андижон вилоятлари ИИБ ЁХБ терма жамоалари

эгаллади. Шахсий натижалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЁХБ терма жамоаси аъзоси П. Ўразбоев энг чопқир ва чаққон эканини намойиш этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасини банд этди. Наманган вилояти ИИБ ЁХБ вакили О. Отахонов ҳамда Навоий вилояти ИИБ ЁХБ спортчиси Ш. Ҳамроев кейинги ўринларни кўлга киритди.



Беллашувларнинг сўнги – ёнғин ўчириш автомобилдан жанговар ёйилиш турида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ терма жамоаси спортчиларига тенг келадигани топилмади. Фарғоналиклар иккинчи, Қорақалпоғистонлик спортчилар эса учинчи ўринга сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ терма жамоаси голиб деб топилди. Навоий ва Тошкент вилоятлари ИИБ ЁХБ терма жамоалари аъзоларига иккинчи ва учинчи ўринлар берилди.

Чемпионат якунида голиблар медаль, Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**С. АТАМУХАМЕДОВ,**  
капитан.



## МАЙДОНДА АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ

Республика ИИВ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалик шаҳар марказида турли маданий ҳамда оммавий спорт тадбирларини ўтказиш аънамага айланган. Чунки тингловчи ва курсантларнинг касбий кўникмаси, жисмоний, жанговар тайёргарлиги, билим савиясини янада оширишда асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган «Балли, йигитлар!» кўрик-танловини ана шундай тадбирлардан бири дейиш мумкин. Мазкур танлов беш босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда иштирокчилар республика ИИВнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлари бўйича назарий саволларга жавоб беришди, шунингдек, саф тайёргарлиги талабларини бажариш бўйича амалий синовлар топширишди. Иккинчи босқичда кўпкураш беллашувлари қатнашчилари 500 метр масофани югурган ҳолда босиб ўтиш, спорт тўсинида тортилиш, ҳаволи милтиқдан нишонни аниқ уриш, энгил автомобиланинг иккита филдирани эллик

метр масофага кўтариб бориш каби машқларни бажаришди. Учинчи босқич – чидамлик баҳсида эса улар «Нексия» энгил автомобиласини арқон ёрдамида эллик метр масофага тортиб боришди. Тўртинчи босқич, яъни яккакураш мусобақасида йигитлар спортнинг миллий кураш тури бўйича беллашдилар. Сўнги босқичда қўл жанги санъати, бадийлаштирилган саҳна кўришлари намойиш этилди.

Мусобақа якунига кўра, биринчи ўринни умумий 15-ўқув гуруҳи курсанти, сафдор У. Улхўжаев кўлга киритди. Иккинчи ўрин бир хил натижа билан 9-ўқув гуруҳи тингловчиси, кичик сержант М. Курбонов ҳамда 13-ўқув гуруҳи курсанти, сафдор А. Солихўжаевга насиб этди. Учинчи ўринни ҳам бир хил кўрсаткичга эришган 11-ўқув гуруҳи курсанти, сафдор А. Раимов ва 14-ўқув гуруҳи курсанти, сафдор Ж. Миразизов эгаллади.

Голибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўткир ОТАЕВ,**  
майор.

## ЖАМОАВИЙ РУҲНИ КУЧАЙТИРАДИ

Андижонда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари ўртасида волейбол бўйича биринчилик низоҳига етди. Беллашувда саккизта жамоа иштирок этди. Мусобақани Андижон вилояти «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташкил этди. Беллашув ёшлар спорт саройида бўлиб ўтди.



Унинг якунларига кўра, биринчи ўринни вилоят МХХБ жамоаси, иккинчи ўринни Андижон вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриклаш бошқармаси спортчилари, учинчи ўринни вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси волейболчилари эгаллашди. Мусобақа голиблари тантанали вазиятда кубоклар, медаллар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бундай мусобақаларни ўтказиш вилоятда яхши аънамага айланган. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ўртасида жисмоний тарбия, спорт ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг ёйишдан иборат.

**Зафарбек ҲОЛМУХАММЕДОВ,**  
подполковник,  
Муаллиф олган сурат.

## Ёшларимиз — чорак финалда!

Янги Зеландия яшил майдонларида бўлиб ўтаётган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг нимчорак финал ўйинлари низоҳисига етди. Қувонарлиси, австриялик тенгдошларини 2:0 ҳисобида мағлуб этган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси чорак финал йўланмасини кўлга киритди.

Нимчорак финал баҳсида Равшан Ҳайдаровнинг шогирдлари, айтиш мумкинки, чемпионатдаги энг яхши ўйинини намойиш этдилар. Тенг курашлар остида ўтган дастлабки бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда ёш футболчиларимиз тез ва аниқ ўйнашга, яратилдиган имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилишди. Бу ўз самарасини бериб, «Бунёдкор» клуби аъзоси Достонбек Ҳамдамов иккита гол уришга муваффақ бўлди.

Иштаҳа тамадди пайтида келди. Учрашувдан кейин ўтказилган матбуот анжуманида терма жамоа бош мураббийи Равшан Ҳайдаров шогирдлари ўйинидан қониқиш ҳосил қилганини билдирар экан, жумладан, шундай деди: «Чорак фи-

## Фақат футбол ҳақида



налда тўхтамоқчи эмасмиз. Биз мусобақага аввалги натижаларимизни яхшилаш мақсадида келганмиз. Футболчилар ҳам буни яхши билишди».

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мусобақанинг чорак финал учрашувини сенегаллик футболчиларга қарши ўтказди. Ўйин пойтахт шаҳар — Веллингтондаги «Веллингтон регионал — Вестпак» стадионида бўлиб ўтади. Учрашув бугун Тошкент вақти билан соат 09:30да бошланади.

Кичик мундиал чорак финалининг бошқа жуфтликлари қуйидагича кўриниш олди:

1. Бразилия — Португалия.
2. Мали — Германия.
3. АҚШ — Сербия.

Маълумки, футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати 2018 йили Россияда бўлиб ўтади. Куни кеча ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мазкур мусобақаси саралашининг Осиё қитъаси бўйича иккинчи босқич ўйинларига старт берилди.

Бошқача айтганда, энг кўп миллий терма жамоаларни ўзида жамлаган Осиё қитъаси жаҳон чемпионати сари йўлга отланди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси жой олган «Н» гуруҳида Филиппин ва Бахрайн терма жамоалари ўзаро куч синашди. Учрашувда кутилмаган ҳисоб қайд этилди. Қитъамизнинг энг кучсиз терма жамоаларидан бири ҳисобланган мезонлар рақибларини кутилмаганда 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Гуруҳдаги яна бир ўйин Яман ва КХДР ўртасида кечиб, унда мезонлар 0:1 ҳисобида зафар кучди.

Шу тариқа, ҳозирча бизнинг гуруҳда Филиппин термаси пешқадамлик қилмоқда.

Бошқа гуруҳлардаги ўйинларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди:



## Катта карвон йўлга чиқди

«А» гуруҳи: Саудия Арабистони — Фаластин 3:2, Малайзия — Шарқий Тимор 1:1;

«В» гуруҳи: Тожикистон — Иордания 1:3, Бангладеш — Қирғизистон 1:3;

«С» гуруҳи: Гонконг — Бутан 7:0, Мальдив — Қатар 0:1;

«D» гуруҳи: Гуам — Туркменистон 1:0, Ҳиндистон — Уммон 1:2;

«Е» гуруҳи: Камбоджа — Сингапур 0:4, Афғонистон — Сурия 0:6;

«В» гуруҳи: Таиланд — Вьетнам 1:0 (Индонезия термаси ФИФА томонидан мусобақадан четлатилгани учун бу гуруҳда битта ўйин бўлиб ўтди);

«G» гуруҳи: Лаос — Мьянма 2:2, Ливан — Кувейт 0:1.

Ҳар бир гуруҳда бештадан миллий терма жамоа ўрин олгани туфайли Эрон, Япония, Жанубий Корея, Австралия, Хитой, БАА, Ироқ ва Ўзбекистон терма жамоалари дастлабки турни ўтказиб юборди.

Эслатиб ўтамиз, футболчиларимиз гуруҳдаги дастлабки ўйинни 16 июнь куни КХДР терма жамоасига қарши сафарда ўтказди.

**Камол ОЛЛОЁРОВ** тайёрлади.

**Ҳуқуқий маслаҳатхона**

**ҚАНЧА МУДДАТГА КЕЧИКТИРИЛИШИ МУМКИН?**

**?** – **Нотариал ҳаракатни амалга ошириш вақтинча тўхтатиб турилиши ҳам мумкинми? Унинг қандай ҳолатларда ва қанча муддатга кечиктирилишига йўл қўйилади?**



– Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, нотариал ҳаракатлар ҳақ тўланганидан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади. Қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарур бўлганида, но-

тариал ҳаракатни амалга ошириш кечиктирилиши мумкин. Шунингдек, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, ба-шарти қонунга биноан, манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътироз бор-йўқлигини сўраш зарур бўлганда ҳам кечиктирилиши кўзда тутилган. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш

муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Ушбу масалада мурожаат қилган шахснинг талабига кўра, унга нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш ҳақидаги қарор берилади. Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни кечиктириш ва тўхтатиб туришнинг бошқа асослари ҳам борлиги белгиланган.

**О. ТЎХТАЕВ.**  
Тошкент вилояти Чиноз тумани.

Ушбу саволга ҳуқуқшунос Арипходжа АГЗАМХОДЖАЕВ жавоб берди.

**СУДЬЯ ТОМОНИДАН ТАЪМИНЛАНАДИ**

**?** – **Гумон қилинувчи ва айбланувчи сифатида қақирилган шахс қонун бўйича қанча муддат ичида сўроқ қилинади? Суд тергови кетаётганда кўрсатма бериш ҳуқуқи ким томонидан таъминланиши керак?**



– Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига асосан, дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун қақирилган, қа-

моққа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин дарҳол, узоғи билан 24 соатдан кечиктирмай сўроқ қилиниши керак. Суд тергови кетаётганда судланувчига истаган вақтида кўрсатма бериш ҳуқуқи судья томонидан таъминла-

нади. Агар судланувчи бирор суд ҳаракати ўтказилаётган пайтда кўрсатма бериш тўғрисида истак билдирса, суд унга ушбу ҳаракатлар туғати биланок кўрсатма бериш учун имконият яратиши белгиланган.

**У. УМИРОВ.**  
Тошкент шаҳри.

Ушбу саволга ҳуқуқшунос Фаррух САМАДОВ жавоб берди.

**АМАКИЛАРИМ ҲАҚМИ?**

**?** – **Бувимдан қолган уй-жой масаласида амакиларим билан келиша олмаемиз. Улар «Биз марҳумнинг ворисларимиз» дейишяпти. Амакиларим ҳақми?**



– Мерос олиш тартиби, унинг васият билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг «Ворислик ҳуқуқи» бўлимида акс этган. Унда қонун асосидаги ва васият бўйича ворислик ўртасидаги фарқлар аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, «мерос таркиби», «мероснинг очилиш жойи», «меросхўрлар» ҳамда бошқа масалалар ҳақида батафсил сўз юритилган. Ворислик навбатлари, шунингдек, нотари-

ус томонидан меросга бўлган мулк ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома бериш тартиби ҳам белгилаб қўйилган. Фуқаролик кодексининг 1118-моддасига биноан, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Ушбу кодекснинг 1135-моддасига кўра, мерос қол-

дирувчининг туғишган ҳамда ота бир, она бошқа ёки она бир, ота бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мазкур кодекснинг 1137-моддасига асосан, мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси тенг улушларда қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлишлари белгиланган.

**В. ЖАВЛОНОВ.**  
Жиззах шаҳри.

Ушбу саволга ҳуқуқшунос Сайёра МАДАЛИЕВА жавоб берди.

**ЎТГАНЛАРИНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!**

<p>Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истефодаги полковник <b>Абдурахмон АБИДЖАНОВ</b>нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят муҳбири Садриддин Шамсиддиновга синглиси <b>МУҲАРРАМ</b> опанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши тиббий тайёрларлик кафедраси доценти, подполковник Обид Миртурсуновга фарзанди <b>ҚАҲРАМОН</b>нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.</p>	<p>Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ташкилий-инспекторлик бўлими бошлигининг ўринбосари, подполковник Фатулло Болтаевга падари бузруквори <b>ФАЙЗУЛЛО</b> отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.</p>
<p>Сирдарё вилояти ИИБ ва Гулистон шаҳар ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши Гулистон шаҳар ИИБ ЖК ва УЖКҚБ бўлинма бошлиғи, майор Алишер Имомқуловга ва ҲООБ профилактика инспектори, катта лейтенант Фанишер Тошпўлатовга волидаи муҳтарамаси <b>НАФИСА</b> аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.</p>	<p>Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ташкилий-инспекторлик бўлими бошлигининг ўринбосари, подполковник Фатулло Болтаевга падари бузруквори <b>ФАЙЗУЛЛО</b> отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.</p>



**МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ**  
Келгуси ҳафта учун

**ҚЎЙ**



Ҳафтанинг бошида эҳтиёткор ва синчков бўлинг. Ақс ҳолда атрофингиздаги вазиятни тўғри баҳолай олмайсиз. Натижада нотўғри қарорлар қабул қилишингиз мумкин. Шунинг учун бу даврда имкон қадар зиммангизга ортиқча масъулият олмаганингиз маъқул. Ҳафтанинг ўрталарида ижодий фикрлаш қобилиятингиз кучаяди. Ҳаёлингизда бир қанча гоғлар ҳамда режалар туғилади. Аста-секин уларни амалга ошира бошлайсиз.

**СИГИР**



Ҳафтанинг дастлабки кунлари дўстлар билан учрашиш, меҳмондорчиликларга бориш учун қулай. Ҳафта давомида ҳаётингизда деярли ҳеч қандай янгилик содир бўлмайди. Бунинг оқибатида бир оз зерикасиз. Бошқа жиҳатдан эса, ҳозир илгари бошлаган ишларингизни охирига етказиб, қилган меҳнатларингиз меваларидан баҳраманд бўласиз. Эътиборли ҳамда қатъиятли, сабр-тоқатли бўлишингиз талаб этилади.

**ЭГИЗАКЛАР**



Ҳаётингизда ўзгаришлар содир бўлади. Ўзингизни бошқалар билан самимий тутинг. Ақс ҳолда охир-оқибат кўпчилик олдида ноқулай вазиятга тушиб қоласиз. Ишларингизни олдинги йўналишда давом эттиришингиз ҳамда вазиятни назорат қила олишингиз учун қатъиятли ва серғайрат бўлишингиз керак. Ўзингизга ишонинг, оғир-босиқ бўлинг. Яқинларингизга суянинг, ички сезгингизга таянинг. Ана шундагина мавқеингизни сақлаб қоласиз.

**ҚИСКИЧБАҚА**



Ўзингизга ишонингизни намоён этинг ҳамда ишларга масъулият билан ёндашинг. Режаларингизни, танлаган йўлингизни ўзгартирманг. Бошлаган ишингизни охирига етказмасдан, ундан воз кечиш истаги пайдо бўлади. Бу истагингизга эргашманг. Кўплаб қийинчиликка дуч келасиз. Бунинг оқибатида ҳафтанинг охирида анча чарчайсиз. Лекин саъй-ҳаракатларингиз бесамар кетмайди.

**АРСЛОН**



Ҳаётингизда янгиликлар даври бошланади. Мабодо бунга қаршилиқ кўрсатиб, эскича турмуш тарзингизни сақлаб қолишга ҳаракат қилсангиз, вазият издан чиқади, атрофингиздагилар сизга ёмон муносабатда бўла бошлашади. Дадил олға интилинг, келажакка мўлжалланган режалар тузинг. Эртанги кунга ишонч билан қаранг. Янгиликларга кенг йўл очинг. Шунда ҳаммаси яхши бўлади.

**ПАРИЗОД**



Молиявий аҳволингизни яхшилаш ҳақида қайғуришингиз керак. Бунинг учун ортиқча харажатлардан воз кечинг, иложи борича пул жамғаринг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эҳтиёткор ва синчков бўлинг, чунки атрофингиздагилардан кимдир сизнинг ҳисобингиздан яшашга интилади ёки бўлмас ёмонлик қилмоқчи бўлади. Шунинг учун юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршилиққа олдиндан тайёр турунг.

**ТАРОЗИ**



Қайси вазиятда қандай йўл тутиш кераклиги, қандай қарорлар қабул қилиш тўғрисида кўнглингиз олдиндан сезади. Шунинг учун ички сезгингизга эътиборли бўлинг. Агар қайсарлик билан фақат ўз фикрларингизни маъқуллайверсангиз, тақдирдан ва атрофдагилардан ҳадеб норози бўлаверсангиз, воқеалар ривожини сезинг зарарингизга ўзгариб, режаларингиз тез орада барбод бўлиши мумкин.

**ЧАЁН**



Ушбу ҳафта сиз учун ўтган давр ичидаги энг яхши палладир. Ҳафтанинг бошиданок ўзингизни ҳаммининг диққат марказида эканингизни ҳис қиласиз. Иш фаолиятингизда муваффақиятларга эришасиз. Мансаб пиллапоярларида кўтариласиз. Ҳафтанинг ўрталарида теварак-атрофингиздаги олам билан уйғунликка эришасиз. Ҳафта охирида кўтаринки кайфиятда юрасиз, мамнунлик ҳис этасиз, ўзингизга ишонч ҳосил қиласиз.

**ЕЙ**



Яқин инсонларингизга эътиборли бўлинг. Ҳафтанинг бошида қариндошларингиз ҳолидан хабар олинг. Ўзингизни хотиржам, шод-хуррам ҳис қиласиз. Ҳафтанинг ўрталарида ишларга кўмилиб қоласиз. Ҳафтанинг охири дам олиш учун қулай фурсат. Бирга ҳордиқ чиқариш борасида дўстларингиздан кўплаб таклифлар оласиз. Бундай қулай имкониятдан воз кечманг. «Яхши дам – меҳнатга ҳамдам» дейишади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ**



Ушбу ҳафтада молиявий масалаларга ўралашиб қолишингиз мумкин. Аммо турли қинғирликларга бош қўшманг. Фақат тўғри йўл билан моддий аҳволингизни яхшилаб оласиз. Эришган натижаларингиз сизни қувонтириб юборади. Воқеалар тезкорлик билан ривожланиб боради, ҳамма ишга улгуриш учун бор кучингизни сарфлашингизга тўғри келади. Кейинчалик афсусланиб қолмай десангиз, ноҳақ хатти-ҳаракатлардан воз кечинг.

**ҚОВҒА**



Сиз учун ҳар томонлама энг қулай ҳафта келди. Ҳис-туйғуларга тўлиб юрасиз, шу билан биргаликда жуда фаолсиз. Шунинг учун осонгина янги танишлар орттирасиз. Турли вазиятларда самарали ҳаракат қила оласиз. Ушбу ҳафтада анчадан бўён сизга тинчлик бермаётган ҳамда назарингизда қийин туълган муаммоларни осонгина ҳал этасиз. Мушкул аҳволга тушганингизда яқин одамларингизга суянинг. Улар сизга, албатта, ёрдам беришади.

**БАЛИҚ**



Молиявий масалаларни ҳамда ишга тааллуқли муаммоларни ушбу ҳафтада муваффақиятли ҳал этасиз. Ўзингизнинг ижобий томонларингизни кўрсатасиз. Бу эса бошқаларнинг сизга нисбатан ишонч ва ҳурматини оширади. Кимдир сизга ҳасад қилаётгани ёки яқинларингизга адолатсиз муносабатда бўлганингиз сабабли ҳафтанинг охирида зиддият келиб чиқиши мумкин. Қалбингизга қулоқ тутсангиз, зиддиятни ҳал эта оласиз.